

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 347.471.5 : 574 (575.1)

МУСАБОВ ШУҲРАТ СОЛИХЖОНОВИЧ

**ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА МУҲОФАЗА
ҚИЛИШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ
МУАММОЛАРИ**

**5А 380106 - “Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи; ер, сув, ўрмон ва кон ҳуқуқи;
экология ҳуқуқи” йўналиши**

ДИССЕРТАЦИЯ

академик изланишлар асосида

Илмий раҳбар:
юримик фанлар доктори, профессор
Усмонов Муҳаммади Баҳриддинович

Тошкент – 2011

МУНДАРИЖА:

КИРИШ	3
 1-БОБ. ТАБИЙ РЕСУРСЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА МУҲОФАЗА ҚИЛИШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ	
1.1. Табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тушунчаси, мақсади ва вазифалари.....	10
1.2. Табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарувининг функциялари ва усуллари.....	24
1.3. Табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарувининг ҳуқуқий асослари.....	31
 2-БОБ. ТАБИЙ РЕСУРСЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА МУҲОФАЗА ҚИЛИШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИ	
2.1. Табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида умумий ваколатли давлат бошқарув органлари тушунчаси ва ваколатлари.....	41
2.2. Табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида махсус ваколатли давлат бошқарув органлари тизими ва функциялари.....	55
2.3. Табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарувини амалга оширишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ўрни ва аҳамияти.....	69
 ХУЛОСА	81
 ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	85

КИРИШ

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Фан-техника тараққиёти жадал суръатлар билан ривожланиб, дунёнинг жуғрофий-сиёсий тузилиши ўзгариб бораётган ҳозирги “шароитда инсон томонидан биосферага кўрсатилаётган таъсирни тартибга солиш, ижтимоий тараққиёт билан қулай табиий муҳитни сақлаб қолишнинг ўзаро таъсирини уйғунлаштириш, инсон ва табиатнинг ўзаро муносабатларида мувозанатга эришиш муаммолари борган сари долзарб бўлиб қолмоқда”¹.

Зеро, давлатимиз раҳбари БМТ саммити мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқида қайд этганидек, “экологияни муҳофаза қилиш ва атроф-муҳитни асраб-авайлаш айниқса, ҳозирги аномал табиий ўзгаришлар шароитида Мингйиллик декларациясида белгиланган мақсадларга эришишда катта аҳамият касб этади”².

Табиий ресурслар Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитетининг моддий асоси ҳисобланади. Улардан оқилона ва самарали фойдаланиш нафақат иқтисодий муаммоларни, балки, шу билан бирга, халқимиз сиҳат-саломатлигини таъминлаш, келгуси авлодни руҳан ва жисмонан соғлом ҳамда комил инсон қилиб тарбиялаш муаммоларини ҳам ҳал этишга ёрдам беради.

Ушбу масалаларни ижобий ҳал этишда айниқса табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат бошқарув органларининг ўрни ва аҳамияти улкан. Зотан, табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат бошқаруви мамлакат экологик сиёсатини юритишнинг муҳим асоси бўлиб, табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланишни таъминлашда ҳақли равишда асосий ўрин эгаллайди.

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Тошкент, 1998. – Б. 109.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг БМТ саммити мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқи // www.gov.uz

Давлат ўз олдига қўйган экологик вазифаларни бажаришда давлат бошқарув органларига таянади ёки бошқача айтганда, давлатнинг экологик фаолияти у давлат бошқарув органлар ёрдамида олиб борилади. Бу давлат ва жамият олдига турган у ёки бу экологик муаммони жамият ва табиат манфаатларига зарар етказмасдан ҳал этилишида табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат бошқарув органларининг экологик муносабатларни тартибга солишда нақадар муҳим аҳамият касб этишидан далолат беради.

Давлатимиз раҳбари Президенти Ислон Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасида “атроф-муҳитни ҳимоя қилишни таъминлаш тазимида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг роли ва ўрнини белгилашга қаратилган “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва бошқа қатор қонун ҳужжатларини қабул қилиш фурсати етди, деб уйлайман”¹, деб таъкидлайди. Таъкидлаш лозимки, ушбу қонуннинг қабул қилиниши экология соҳасидаги давлат бошқарув органлари фаолиятининг такомиллашувига ҳам хизмат қилади.

Таъкидлаш ўринлики, сўнгги йилларда юртимизда олиб борилаётган ижтимоий сиёсий ва иқтисодий ислохотларнинг муҳим йўналиши сифатида экологик муносабатларни давлат томонидан тартибга солиш соҳасидаги бошқаруви ҳам тубдан ислох этилмоқда. Табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш учун уни тўғри ташкил этиш, ҳуқуқий кафолатини ўрнатиш, бошқарувни замон

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б. 47.

талабларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этиш устувор вазифа этиб белгиланди.

Хусусан, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви асосларини белгилаб берувчи бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ҳамда ушбу қонунларда табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарувини амалга оширувчи умумий ва махсус ваколатли давлат органлари, уларнинг ҳуқуқий ҳолати, функциялари ва вазифалари ўз аксини топди. Бироқ қабул қилинган қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларнинг кўплигига қарамай, мамлакатимизда атроф табиий муҳитга зарар етказаётган жараёнлар, хатти-ҳаракатлар салмоғи камайганича йўқ. Масалан, 2008 йил давомида прокуратура органлари томонидан 2150 та хўжалик фаолияти субъектларда текширишлар ўтказилиши натижасида табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган 19,7 мингдан ортиқ мансабдор шахслар ва фуқаролар маъмурий жавобгарликка тортилган. 2008 йил даврида атроф табиий муҳитга етказилган зарарни қоплаш бўйича 642,3 млн. сўмдан ортиқ жарималар ва товон пуллари ундирилган¹.

Юқоридагилар табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарув органлари фаолияти, тизими, уларнинг вазифалари ва функциялари, ваколатларини илмий-ҳуқуқий таҳлил этиш бугунги кунда экология ҳуқуқи фани олдида турган энг муҳим вазифалардан эканлигидан ҳамда шу асосда табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарув органлари фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим илмий-назарий ва ижтимоий-амалий аҳамият касб этишидан далолат беради.

¹ Калонов Б.Х. Экологик хавфсизликни таъминлаш – миллий, минтақавий ва умуминсоний муаммо // ТДЮИ Ахборотномаси. – 2009. – №5. – Б. 90-91.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мустақиллик йилларида табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат бошқарув органлари масаласи республикаимизнинг эколог-ҳуқуқшунос олимларидан М.Б.Усмонов, Ш.Х.Файзиев, Ю.А.Жўраев, Ж.Т.Холмўминов, У.Т.Аюбов, У.Б.Бозоров, М.К.Нажимов, А.Нигматов, Ф.Намозов, К.Раҳмонов, И.М.Умароҳунов, С.Тўйчиев, А.Ҳабибуллаев ва Э.Ҳошимова каби олимлар томонидан тадқиқ этилган¹.

МДХ мамлакатларида ушбу масала юзасидан О.С.Колбасов, Б.В.Ерофеев, М.М.Бринчук, О.Л.Дубовик, А.К.Голиченков, В.В.Петров, Н.Ф.Реймерс, М.А.Атаев, А.И.Лагунова, В.А.Власов, А.В.Матвеев² каби олимлар изланишлар олиб борганлар.

Тадқиқотнинг мақсади табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарув органлари фаолиятининг самарадорлигини

¹ Жураев Ю. А. Право и управление в области использования и охраны природной среды Республики Узбекистана: Автореф. дисс. ... д-ра юрид. наук. – М.: Инс. гос. и право РАН, 1996; Усманов М. Б. Ер ва қонун. – Тошкент, 1994; Унинг ўзи. Экология қонунчилиги муаммолари // Ҳаёт ва қонун. – 2002. – № 2. – Б. 53–54; Файзиев Ш. Х. Ўзбекистон Республикаси парламентининг экологик функциясини такомиллаштириш масалалари // Ўзбекистон парламенти: бугуни ва истиқболи: Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари (2002 йил 3 март). – Тошкент, 2002 – Б. 60; Холмўминов Ж.Т. Экология ва қонун. – Тошкент, 2000; Аюбов У. Т. Лишение, ограничение и приостановление прав, связанных с природопользованием // Экологический вестник Узбекистана. – 1996. – № 3. – С. 26–28; Зиёмухамедов Б. Экология: тарих, назария ва ҳозирги замон. – Тошкент, 1997; Нигматов А. Н. Экологик концепциялар // Ўзбекистон экологик хабарномаси. – 2000. – № 4–5. – Б. 10–12; Раҳманов К. Табиат муҳофазасининг ҳуқуқий асослари // Ҳаёт ва қонун. – 2000. – № 10. – Б. 61–65; Умароҳунов И.М. Республика Узбекистан и международное договорное право. – Тошкент, 1998; Ҳабибуллаев А. Атроф табиий муҳит муҳофазасининг асосий йўналишлари // Ўзбекистон экологик хабарномаси. – 1998. – № 5–6. – Б. 2–4; Ҳошимова Э. Инсон ва табиат муаммоси // Ўзбекистон экологик хабарномаси. – 2000. – № 6. – Б. 5–6.

² Бринчук М. М. О понятийном аппарате экологического права // Гос. и право. – 1998. – № 9. – С. 20–28; Колбасов О. С. Экология: политика–право. – М., 1976; Дубовик О.Л. Экологическое право. Учебник. 3-е изд. – М.: Проспект, 2010. – С. 244-256.; Боголепов Р. Д. Деятельность органов внутренних дел по охране окружающей среды // Охрана окружающей среды: управление и право. – Киев, 1982. – С. 87–89; Николаев А. В. Основы экологического права и проблемы экологии. – СПб., 2001; Реймерс Н. Ф. Надежды на выживание человечества. – М., 1992; Атаев М. А. Государственное управление использования и охраны вод. – Ашхабад, 1982; Гаилов Ф. Х. Теоретические проблемы организации правовой охраны природных ресурсов в современных условиях. – Уфа, 2002; Голиченков А. К. Экологический контроль: теория, практика правового регулирования. – М., 1992. – С. 73; Горельцев С. В. Государственное управление в сфере экологии // Экологическое право. – М., 1997. – С. 180–186.; Лагунова А.И. Государственное управление охраной окружающей природной среды субъекта Российской Федерации: Дисс. ... канд. юрид. наук. – Красноярск, 2001. – 231 с.; Власов В.А. Государственное управление в сфере охраны окружающей среды и природопользования: вопросы теории и практики : вопросы теории и практики: Дисс. ... канд. юрид. наук. – Екатеринбург, 2007. – 223 с.; Матвеев А.В. Управление охраной окружающей среды: Учебное пособие. – СПб.: ГУАП, 2003. – 112 с.

ошириш ҳамда бу борадаги қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарув органлари тушунчасига муаллифлик таърифи бериш;
- табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарув органлари тушунчасининг мазмуни ва моҳиятини очиб бериш;
- давлат бошқарув органлари экологик фаолиятининг асосий йўналишларини назарий жиҳатдан таҳлил этиш;
- табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарув органлари тизимини ўрганиш ва таснифлаш;
- табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида умумий ваколатли давлат бошқарув органларининг экологик функциясини тадқиқ этиш;
- табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида махсус ваколатли давлат бошқарув органларини ўрганиш, уларнинг функцияларини, ҳуқуқ ва ваколатларини илмий таҳлил этиш;
- табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарув органлари фаолиятини ривожлантириш бўйича мавжуд муаммоларни ҳал қилиш йўллари кўрсатиш;
- табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарув органларига оид қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот усули: тарихийлик, формал-мантиқийлик каби универсал, таққослаш, таҳлил ва синтез қилиш, умумлаштириш, тизимлаштириш сингари умумиллий ҳамда илмий назариялар яратиш, илмий натижаларни баён этиш каби махсус методлар.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. Табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат бошқаруви ва у билан

боғлиқ муносабатлар **диссертация тадқиқотининг объекти** ҳисобланади. **Тадқиқот предмети** бўлиб, табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат бошқаруви тушунчаси, функциялари, усуллари, тизими тўғрисидаги мавжуд назарий тасаввурлар; амалдаги экологик қонунчилик нормалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги шу билан белгиланадики, унда амалдаги экологик қонунчиликдан келиб чиққан ҳолда табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат бошқаруви, ушбу соҳада рўй берган сўнгги ўзгариш ва янгиланишларни ҳисобга олган ҳолда комплекс ўрганилган, шунингдек табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат бошқарувини такомиллаштириш бўйича муҳим таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ҳимояга қўйилаётган асосий қондалар:

– Табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарувига қуйидагича муаллифлик таърифи берилди: табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви – қонунчилик, ижроия, суд ҳокимияти ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ҳар бир кишининг қулай атроф табиий муҳитга бўлган ҳуқуқини таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш ва қайта тиклаш мақсадига йўналтирилган ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни белгилаш, ҳуқуқни қўллаш, тартибга солиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш шаклларидаги норматив белгиланган фаолиятидир.

– Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи нормаларнинг тааллуқлиги таҳлил қилинди ҳамда ушбу соҳадаги бошқарув комплекс, тармоқлараро ҳуқуқий институтни ифодалайдиган ҳамда конституциявий, маъмурий, экологик, фуқаролик, молия ва бошқа ҳуқуқ соҳаларига тааллуқли нормалардан иборатлиги тўғрисида хулосага келинди.

– Табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида бошқарув комплекс ҳуқуқий институти ўз навбатида бир неча субинститутлардан ташкил топган. Бундай бўлиниш асосида тартибга солиш объектлари ва уларга тааллуқли бўлган бошқарув тармоқлари ётиши зарур. Шунга кўра, қуйидаги субинститутларни ажратиб кўрсатишимиз мумкин: атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги бошқарув; ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида бошқарув; сув объектларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида бошқарув; ўрмонлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида бошқарув; ер қаъридан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида бошқарув; ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида бошқарув; атмосфера ҳавосидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида бошқарув.

– Давлат экологик бошқарув функциясининг қуйидаги хусусиятларини кўрсатилди: 1) бошқарув субъектининг оммавий ҳокимият тизимида тааллуқлилиги; 2) бошқарув субъектини табиатдан фойдаланиш ва атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатли орган сифатида унинг ваколатларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда акс эттирилиши; 3) бошқарув функциясининг давлат номидан амалга оширилиши; 4) бошқарув субъектини функцияларини амалга ошириши учун тегишли усуллар билан таъминланганлиги (масалан, таъқиқлар, чекловлар белгилаш, санкция қўллаш, рухсат бериш, фаолият тартибини белгилаш, мажбурий кўрсатмалар бериш ва ҳ.к.).

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижалари ва унда илгари сурилган ғоялардан экологик муаммоларни янада чуқурроқ ўрганишда, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган қонунчиликни такомиллаштиришда, давлатнинг экологик функциясини амалга оширувчи давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг амалий фаолиятида, уларнинг фаолиятини тартибга солиш ва такомиллаштиришда,

“Экология ҳуқуқи” фанидан дарс беришда, фуқароларнинг экологик ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишда фойдаланиш мумкин.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, олтита параграфни ўз ичига олган икки боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, унинг ҳажми 80 бетни ташкил қилади.

1-БОБ. ТАБИЙ РЕСУРСЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА МУҲОФАЗА ҚИЛИШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

1.1. Табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тушунчаси, мақсади ва вазифалари

Табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарувининг экологик муаммоларни ҳал этиш ҳамда давлат экологик сиёсатини амалга оширишдаги аҳамияти катта бўлиб, у табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни таъминлайди.

Давлат ўзининг экологик сиёсатини амалга ошириш учун табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарувини шакллантиради, яъни табиий ресурслардан фойдаланиш ва атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ижро этиш ва фармойиш бериш ваколатига эга бўлган давлат органлари фаолиятини йўлга қўяди. Ваколатли давлат органларининг фаолияти табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви деб тушунилади¹. Табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви орқали давлат табиий ресурсларнинг мулкдори сифатида табиий ресурслардан фойдаланишни ташкил этиш мақсадида уларни тассарруф этиш ҳуқуқини амалга оширишади.

Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий тикланишни экологик барқарорлик билан мутаносиб ҳолда олиб бориш давлатнинг табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги бошқарув ваколатининг кенгайтирилиши ва маъмурий-ҳуқуқий йўл билан амалга оширилишини тақозо этади².

¹ Экология ҳуқуқи. Дарслик. – Тошкент: Адабиёт жамғармаси. 2001. – Б. 64-65.; Нигматов А. Ўзбекистон Республикасининг экология ҳуқуқи. Дарслик. – Тошкент: ТДЮИ, 2004. – Б. 79.; Бринчук.М.М. Экологическое право. – М.: ЮРИСТЪ, 1998. – С. 174.

² Алихонов Б.Б. Экологик барқарорлик // Ҳуқуқ ва бурч. – Тошкент, 2010. – 36. – Б. 11-14.

Ўзбекистон Республикасининг экология ҳуқуқига оид илмий-назарий манбаларида табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарувининг мамлакат экологик сиёсатида муҳим ўрин тутиши бир овоздан тан олинган¹.

Табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарувига тўхталиш олдида умуман бошқарув тушунчаси тўғрисида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Авваламбор, Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “бошқармоқ – корхона, муассаса, ташкилот ва ш.к. ишини идора қилмоқ, йўлга солиб турмоқ; кўрсатмоқ, бошлаб бормоқ, етакчилик қилмоқ; бошқарув эса, давлатни идора қилиш усули” каби маъноларни англатиши қайд этилади².

Ўзбекистон юридик энциклопедиясида эса, “давлат бошқаруви – бу ижтимоий бошқарувнинг бир тури бўлиб, жамиятни бошқаришдир. Айрим назарийётчилар давлат бошқарувини кенг маънода – давлатнинг тартибга солиш фаолияти, махсус субъектларнинг ижтимоий муносабатларга таъсир этиши деб ҳисоблашади. Тор маънода эса, давлат бошқаруви – бу маъмурий, яъни давлат ҳокимияти ижро органларининг республика ва маъмурий-ҳудудий

¹ Жураев Ю.А. Право и управление в области использования и охраны природной среды Республики Узбекистан: Автореф. дисс. ... докт. юрид. наук. – М.: Инс. гос. и право РАН, 1996. – С. 3-4.; Файзиев Ш.Х. Теоретические проблемы правового обеспечения экологической политики Республики Узбекистан: Автореф. дисс. ... докт. юрид. наук. – Ташкент: ТГЮИ, 2004. – С. 3-4.; Холмўминов Ж.Т. Государственное управление в области охраны окружающей среды (понятие, принципы и функции) // Ҳуқук. Право. Law. – Тошкент, 2004. – №3. – С.42-44.; Холмўминов Ж.Т. Табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг экологик-ҳуқуқий муаммолари. Монография. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2009. – Б.30.; Аюбов У.Т. Лишение, ограничение и приостановление прав, связанных с природопользованием // Экологический вестник Узбекистана. – Ташкент, 1996. – №3.; Базаров У.Б. Эколого-правовое обеспечение охраны биосферы // Экономика и статистика. – Ташкент, 1996. – №5.; Нигматов А.Н. Ўзбекистон Республикасининг экология ҳуқуқи. Дарслик. – Тошкент: ТДЮИ, 2004.; Файзуллаева Г.Г. Юридическая ответственность за нарушение права сельскохозяйственного землепользования: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Ташкент, 2001; Насирова Л.М. Правовые основы охраны окружающей природной среды городов: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Алма-Ата, 1995.; Мамараимов И.М. Экология қонунчилигини бузганлик учун фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликни такомиллаштириш муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2004.; Калонов Б.Х. Ўзбекистон Республикасида давлат экология назоратининг ҳуқуқий муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2004.; Исанов Х.Р. Давлат экологик мониторингини ҳуқуқий таъминлаш муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент: ТДЮИ, 2007. – Б. 12-13.

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати / А.Мадвалиев таҳрири остида. Биринчи жилд. 5 жилдли. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” ДИН, 2006. – Б. 345.

бўлинмалар доирасидаги ижро этувчи ва фармойиш берувчи фаолияти эканлиги қайд этилади.”¹.

Адабиётларда “давлат бошқаруви жамият аъзоларининг биргаликдаги ҳаракатларини бир-бирига мослигини ва интизомини таъминлаш”²; “давлат бошқарув органларининг амалий фаолияти”³; “давлат бошқаруви ижроия ҳокимияти идоралари томонидан давлат ҳаётининг муайян соҳаларига ва объектларига раҳбарликни амалга ошириш фаолияти”⁴, деган таърифлар ҳам берилганлигини қайд этиш лозим.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, экологик бошқарув тушунчаси кенг ва кўп қирралидир. Адабиётларда унинг бир неча даражаси фарқланади: чунончи, глобал экологик бошқарув – бутун Ер куррасида атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш; минтақавий экологик бошқарув – Марказий Осиё каби минтақалардаги экологик бошқарув; миллий бошқарув – алоҳида

¹ Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Нашр учун маъсул Р.А.Мухитдинов ва бошқ.; маъсул муҳаррир: Н.Тойчиев. – Тошкент: Адолат, 2010. – Б. 101.

² Атаманчук Г.В. Государственное управление. Организационно-функциональные вопросы: Учебное пособие. - М.: Экономика, 2000. - 302 с.; Атаманчук Г.В. Теория государственного управления: Курс лекций. - М.: Юридическая литература, 1997. - 400 с.; Байдельдинов Д.Л. Правовой механизм государственного управления в экологии. - Алматы: Казак университети, 1998. - 98 с.; Балашенко С.А. Государственное управление в области охраны окружающей среды / Под ред. А.А. Головки. - Минск: БГУ, 2000. - 341 с.; Василенко И.А. Административно-государственное управление в странах Запада. США, Великобритания, Франция, Германия: Учебное пособие. - М.: Логос, 2001. - 200 с.; Глазунова Н.И. Система государственного управления: Учебник. - М.: Юнити-Дана, 2003. - 551 с.; Государственное и муниципальное управление: Справочник / Под ред. Н.И. Глазуновой, Ю.М. Забродина, А.Г. Поршнева. - М.: Магистр, 1997. - 496 с.

³ Государственное управление в России: Учебник / Под ред. А.Н. Марковой. - М.: Юнити-Дана, 2002. - 333 с.; Государственное управление. Основы теории и организации: Учебник / Под ред. В.А. Козбаненко. - М.: Статут, 2000. - 912 с.; Государственное управление. Основы теории и организации: Учебник. Том 1 / Под ред. В.А. Козбаненко. - М.: Статут, 2002. - 366 с.; Государственное управление. Основы теории и организации: Учебник. Том 2 / Под ред. В.А. Козбаненко. - М.: Статут, 2002. - 592 с.; Зеркин Д.П., Игнатов В.Г. Основы теории государственного управления: Курс лекций. - Ростов-на-Дону: МарТ, 2000. - 448 с.; Муллагалеева З.З. Система государственного управления: Учебное пособие. - Новокузнецк: НФИ КемГУ, 2003. - 94 с.; Пикулькин А.В. Система государственного управления: Учебник. - М.: Юнити-Дана, 2004. - 543 с.

⁴ Пронкин С.В., Петрунина О.Е. Государственное управление зарубежных стран: Учебное пособие. - М.: Аспект-Пресс, 2001. - 416 с.; Рой О.М. Система государственного и муниципального управления: Учебное пособие. - СПб.: Питер, 2003. - 301 с.; Старцев Я.Ю. Система государственного управления. Политический анализ: Учебное пособие. - Екатеринбург: УрАГС, 2001. - 288 с.; Уткин Э.А., Денисов А.Ф. Государственное и региональное управление. - М.: Экмос, 2002. - 320 с.; Чиркин В.Е. Публичное управление: Учебник. - М.: Юрист, 2004. - 475 с.; Шамхалов Ф.И. Основы теории государственного управления: Учебник. - М.: Экономика, 2003. - 518 с.

давлатларда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги бошқарув муносабатларини назарда тутди¹.

А.Н.Головистикова, Л.Ю.Грудцына, В.А.Малышевлар эса, давлат бошқарувини кенг ва тор маъноларда таърифлайдилар: кенг маънодаги давлат бошқаруви – давлатнинг яхлит ҳолдаги тартибга солувчи фаолиятidir; тор маънодаги давлат бошқаруви – фақатгина ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолиятини қамраб олади².

Давлат бошқарувини таснифлаш Ўзбекистон Республикаси давлат тузилиши хусусиятидан келиб чиқиб республика ва маҳаллий бошқарувни фарқлаш мумкин. Маҳаллий бошқарув маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг маҳаллий бирликлар доирасидаги фаолиятини қамраб олади³.

Юридик энциклопедияда табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида бошқарув ҳақида сўз борганда, фақатгина ваколатли давлат идоралари билан чекланиб қолинган⁴. Ҳолбуки, демократик-ҳуқуқий давлатда барча ижтимоий муносабатлар қатори, экологик муносабатларнинг бажарилиши ва тартибга солиниши нафақат давлат органлари, балки жамоат бирлашмалари ва нодавлат ташкилотлари томонидан ҳам олиб борилади. Бу борада А.Н.Нигматов “Ўзбекистонда экологик бошқарув – ҳокимият органлар, бирлашмалар, ташкилотлар ҳамда уларнинг табиатни муҳофаза қилиш ваколатлари, функциялари ва усуллари мажмуаси”⁵дан иборат деб ёзганида ҳақ эди.

Шунингдек, экологик бошқарувнинг бир неча турлари ҳам мавжуд: давлат бошқаруви, нодавлат (жамоат) бошқаруви, идоравий бошқарув. Улар тизимида табиийки давлат бошқаруви алоҳида аҳамиятга молик. Зеро, у ҳақли равишда табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги

¹ Нигматов А.Н. Ўзбекистон Республикасининг экология ҳуқуқи. Дарслик. – Тошкент: ТДЮИ, 2004. – Б. 78.

² Головистикова А.Н., Грудцына Л.Ю., Малышев В.А. Экологическое право России в таблицах и схемах. – М.: Эксмо, 2006. – С. 58.

³ Муниципальный менеджмент: Учебное пособие для вузов /Под ред. Т.Г. Морозовой. – М. 1997. – С. 25.

⁴ Экология. Юридический энциклопедический словарь. – М.: Норма, 2001. – С. 387-388.

⁵ Нигматов А.Н. Ўзбекистон Республикасининг экология ҳуқуқи. Дарслик. – Тошкент: ТДЮИ, 2004. – Б. 78.

бошқарувнинг асосий шакли ҳисобланади. Бу ҳақда М.Нажимов ёзганидек, “экологик бошқарувда албатта, давлат ва унинг ваколатланган органларининг экологик функцияси жуда катта”¹. Айниқса, бир ижтимоий-иқтисодий тузумдан бошқасига яъни бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ва ундан кейинги дастлабки босқичларда давлат ўзининг ислохотчилик ролини йўқотиб қўймаслиги лозим.

Айнан табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарувига тўхталиб ўтадиган бўлсак, юридик адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, экологик соҳасида давлат бошқаруви масаласи алоҳида объект сифатида муайян даражада ўрганилган².

Жумладан, профессор Ш.Х.Файзиев ҳар қандай давлатнинг экологик сиёсати атроф табиий муҳит соҳасидаги давлат бошқаруви ва назорати билан чамбарчас боғлиқлигини ҳамда экологик сиёсат экология соҳасидаги давлат бошқаруви ва назоратининг тизимли ифодаси эканлигини қайд этади³.

Профессор Ж.Т.Холмўминов таъбири билан айтганда, табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви – давлатнинг ижроия-тақсимлаш ва ижроия-бошқарув фаолияти бўлиб, табиат ва инсон ўртасидаги мавжуд мувозанатни сақлашга қаратилган. У табиат ресурсларидан фойдаланувчи субъектлар ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз вақтида амалга оширишлари, табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш тартиби билан бевосита боғлиқдир⁴.

Профессор Ж.Т.Холмўминов, М.М.Файзиев ва Ю.Г.Безбородовлар таъкидлаганидек, табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш

¹ Нажимов М. Давлат ва унинг экологик функцияси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. – Б. 35.

² Шемшученко Ю.С. Государственное управление охраной окружающей среды: Автореф. дисс. ... д-ра юрид. наук. – Киев, 1978.; Жураев Ю.А. Право и управление в области использования и охраны природной среды Республики Узбекистан: Автореф. дисс. ... д-ра юрид. наук. – М.: Инс. гос. и право РАН, 1996.; Байдельдинов Д.Л. Правовой механизм государственного управления в области экологии. – Алматы, 1998.; Холмуинов Ж.Т. Экологик-правовые проблемы использования и охраны орошаемых земель в Республики Узбекистан. – Ташкент, 1996. – С. 37-67.; Холмуинов Ж.Т. Экология ва қонун. – Тошкент, 2000. – 352 б.

³ Файзиев Ш.Х. Теоретические проблемы правового обеспечения экологической политики Республики Узбекистан. Монография / Под ред. М.Х.Рустамбаева, М.Б.Усманова. – Ташкент: ТГЮИ, 2004. – С. 45.

⁴ Холмўминов Ж.Т. Ўзбекистон Республикасининг экология ҳуқуқи. Дарслик / Маъсул муҳаррир: проф. У.Таджихонов. – Тошкент: ТДЮИ, 2003. – Б. 26-27.

соҳасида давлат бошқаруви давлат экологик функциясининг таркибий қисмини ташкил этади¹. М.К.Нажимов таъбири билан айтганда, “Бошқарув ўзаро жипс боғлиқликда бўлган элементлардан (унсурлардан) ташкил топган маълум бир жараёндир. Айтиш мумкинки, бу бошқарувнинг умумий, ташкилий-иқтисодий тавсифидир”².

У.Т.Аюбовнинг ёзишича, табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви деб ваколатли давлат органларининг табиий ресурслардан фойдаланиш ва атроф табиий муҳитни муҳофаза этиш бўйича ижро этиш ва фармойиш бериш фаолияти тушунилади³. Бу ҳақда А.Нигматов мазкур таърифда олий қонун чиқарувчи ҳокимият, президентлик институти, суд ҳокимияти, ҳуқуқни муҳофаза қилиш давлат органларининг экологик функциялари инобатга олинмай қолган, ваҳоланки, уларнинг ҳам экологик муносабатларни тартибга солишдаги аҳамияти, айниқса Ўзбекистонда жуда бекиёсдир, деб ёзади ҳамда юқоридагилардан келиб чиқиб, муаллиф давлатнинг экологик бошқарувига – ўз ваколат доирасида давлат бошлиғи, ҳокимияти ва ижро этувчи давлат органлари ва уларнинг экологик муносабатларни тартибга солишдаги фаолияти, деб таъриф беради⁴.

А.Исабоевнинг қайд этишича “Давлат бошқаруви - кенг маънода давлат-бошқарув фаолиятининг синоними ва ижроия ҳокимияти фаолиятини амалга ошириш шаклидир”⁵.

У.Ж.Юсупов “давлат бошқаруви тушунчаси ва моҳияти лўнда қилиб айтганда, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизими томонидан

¹ Холмўминов Ж.Т., Файзиев М.М., Безбородов Ю.Г. Экологическая функция государства // Научный мир Казахстана. – Алматы, 2006. – №2. – С. 90-98.

² Нажимов М.К. Давлатнинг экологик функцияси: Юрид. фан. номз. ... дисс. – Тошкент: ТДЮИ, 2004. – Б.23.

³ Ekologiya huquqi: Darslik. Mas'ul musharrir: prof. M.B.Usmonov. – Toshkent: TDYI, 2006. – B. 60.

⁴ Нигматов А.Н. Ўзбекистон Республикасининг экология ҳуқуқи. Дарслик. – Тошкент: ТДЮИ, 2004. – Б. 79-80.

⁵ Исабоев А. Ердан фойдаланиш устидан давлат бошқарувини такомиллаштириш муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дисс. – Тошкент: ТДЮИ, 2004. – Б. 16.

уларнинг ваколатлари доирасида ҳуқуқ ижодкорлиги воситаларини амалга оширишни таъминлаш ва уни ижро этишда намоён бўлади”¹, деб ёзади.

Юридик энциклопедияда эса, давлатнинг табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги бошқарувига “барча ваколатли органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида амалдаги қонунчиликка биноан экологик сиёсатни амалга ошириши”², деб таъриф берилади.

Рус адабиётларида ҳам давлат бошқаруви масалалари анча кенг муҳокама қилинган. Жумладан, С.А.Боголюбов экологик бошқарувни қисқагина қилиб, “атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш бўйича давлат органлари ва усуллари мажмуи”³ сифатида таърифлайди.

М.М.Бринчук эса, экологик бошқарувни амалга оширувчи субъектлар мақомидан келиб чиқиб, унинг давлат, идоравий (тармоқ), ишлаб чиқариш ва жамоат бошқаруви каби қатор турларини фарқлайди. Бунда ҳар бир бошқарув тури ўзига хос усул, услуб ва вазифалар билан тавсифланади. Улар бир-биридан турли субъектлар томонидан амалга оширилиши билан фарқланади⁴.

О.Л.Дубовикнинг ёзишича, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви деганда, шу соҳада ваколатли бўлган барча давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан ўз ваколатлари доирасида амалдаги қонунчиликка, белгиланган тартибда қабул қилинган концепция ва стратегияларга мувофиқ экологик сиёсатнинг амалга оширилиши тушунилади⁵.

Б.В.Ерофеевнинг таъкидлашича эса, “иқтисодий ва экологик тизимларга нисбатан давлатнинг тартибга солиш фаолиятидаги ўзига хосликлар уларнинг табиатидаги муҳим фарқлардан келиб чиқади:

¹ Юсупов У.Ж. Право сельскохозяйственного водопользования в Кыргызской Республике: Дисс. ... канд. юрид. наук. – Жалалабат, 2008. – С. 68.

² Большая юридическая энциклопедия. – М.: Эксмо, 2008. – С. 136.

³ Боголюбов С.А. Экологическое право. М.: Норма-Инфра, 1998. – С. 158-159.

⁴ Бринчук М.М. Экологическое право (право окружающей среды). – М., 1998. – С. 269-270.

⁵ Дубовик О.Л. Экологическое право. Учебник. 3-е изд. – М.: Проспект, 2010. – С. 244.

иқтисодий тизимда кечадиган объектив жараёнларга чуқур аралашиш мумкин, аммо экологик тизимда амал қиладиган табиат қонунларига умуман аралашиб бўлмайди”¹.

А.Н.Головистикова, Л.Ю.Грудцына, В.А.Малышевлар табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарувига ваколатли давлат органларининг атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ мақсад ва вазифаларни амалга ошириш бўйича ташкилий фаолияти² деб таъриф берадилар.

Н.Б.Муҳитдинов эса, тадқиқотларида табиатни муҳофаза қилиш муносабатлари соҳасидаги давлат бошқарувининг табиат объектларидан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилишни режалаштириш, давлат кадастрларини ҳисоблаш ва юритиш, табиат объектларини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш, табиат объектларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни назорат қилиб бориш, табиат объектларидан фойдаланиш масалалари бўйича юзага келган низоларни ҳал этиш сингари функцияларини ажратиб кўрсатади³.

Табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви умумий бошқарув учун хос бўлган белгиларга эга бўлиш баробарида, фақатгина шу соҳадаги бошқарувга хос бўлган жиҳатларга ҳам эга. Демак, бошқарув субъект ва объект ўртасидаги алоқаларда бевосита бошқарув субъекти томонидан амалга ошириладиган мақсадли йўналтирилган ва тартибли таъсир кўрсатишни ифодалайди⁴. Бундан бошқарувда икки тараф: бошқарув объектига таъсир этувчи бошқарув субъекти ҳамда бошқарув субъекти томондан таъсирни ҳис қилувчи

¹ Ерофеев Б. В. Экологическая право. – М., 1998. – С. 238.

² Головистикова А.Н., Грудцына Л.Ю., Малышев В.А. Экологическое право России в таблицах и схемах. – М.: Эксмо, 2006. – С. 58.

³ Муҳитдинов Н.Б. Основы горного права. – Алма-Ата, 1983. – С. 162.; Муҳитдинов Н.Б., Тукеев А.Ж. Право собственности на воды Республики Казахстан в период перехода к рынку. – Алматы, 1995. – С. 107.

⁴ Алехин А.П., Кармолицкий А.А., Козлов Ю.М., Административное право Российской Федерации. – М., 1997. – С. 5.

бошқарув объекти бўлади, деган хулосага келиш мумкин. Бошқарув субъектлари сифатида давлат органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, ташкилотлар (корхона, муассаса ва ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва бошқалар) намоён бўлади. Шунга кўра, давлат бошқаруви, маҳаллий бошқарув, ишлаб чиқариш бошқаруви фарқланади. Баъзида жамоат бошқаруви тўғрисида ҳам сўз боради¹. Айтилишида бир гуруҳ муаллифлар² фақатгина табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат бошқарувини, бошқа тадқиқотчилар³ эса, давлат ва маҳаллий бошқарувни тан оладилар, холос. В.В.Круглов эса, табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат, маҳаллий ва ишлаб чиқариш бошқаруви мавжудлигини қайд этади⁴.

Давлат бошқарувининг ўзига хос жиҳати давлат органларининг бошқа органларига таъсир кўрсатишида намоён бўлади, бунда вертикал ва горизонтал алоқалар ўрнатилади⁵. Айтилишида қўшимча қилиш лозимки, бундай таъсир нафақат органларга, балки ташкилотлар ва фуқароларга ҳам кўрсатилиши мумкин.

Юқоридагилар асосида табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарувига қонунчилик, ижроия, суд ҳокимияти ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ҳар бир кишининг қулай атроф табиий муҳитга бўлган ҳуқуқини таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш ва қайта тиклаш мақсадига йўналтирилган ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни белгилаш, ҳуқуқни қўллаш, тартибга солиш ва ҳуқуқни муҳофаза

¹ Духно Н.А., Чубуков Г.В. Экологическое право России: Учебник. – М., 2000. – С. 42.; Бринчук М.М. Экологическое право: Учебник. – М.: Юрист, 2005. – С. 174.

² Экологическое право России: Учебник / Под ред. В.Д.Ермакова, А.Я.Сухарева. – М., 1997. – С.180.

³ Алехин А.П., Кармолицкий А.А., Козлов Ю.М. Административное право России: Учебник. – М., 1997. – С. 451-465.

⁴ Круглов В.В. Организационно-правовые проблемы охраны окружающей среды в промышленности в современный период: Автореф. дисс. ... докт. юрид. наук. – Екатеринбург, 1999. – С. 22.

⁵ Атаманчук Г.В. Сущность советского государственного управления. – М., 1980. – С. 57.; Добрынин Н.М. Теория и практика государственного управления. – Новороссийск, 2006. – С. 19.

қилиш шаклларидаги норматив белгиланган фаолияти сифатида таъриф бериш мумкин.

Умуман олганда, бошқарув – ташкилий тизимлар функцияси бўлиб, уларнинг муайян тузилишда сақланишини таъминлайди, фаолият режимини қўллаб-қувватлайди, уларнинг дастур ва мақсадларини фарқлайди¹. Шунга қўра, “табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасидаги давлат бошқаруви деганда, ваколатли давлат органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинган инсоннинг қулай атроф табиий муҳит шароитларига эга бўлишини таъминлаш мақсадида табиий экологик тизимлар ва табиий ресурсларни сақлаб қолишни ҳуқуқий онгни экологизациялаш ва ҳуқуқ йўли билан тартибга солишга қаратилган фаолиятидир”².

Таъкидлаш жоизки, табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари борасида Й.О.Жўраев², М.Б.Усмонов³, У.Х.Бозоров⁴, Ш.Х.Файзиев⁵, С.С.Хамроев⁶, У.Аюбов ва бошқа ҳуқуқшунос олимлар изланишлар олиб боришган ва турли фикрлар билдиришган.

Давлат бошқарувини давлат бошқарув органларининг амалий фаолияти каби белгилаш мумкин, у давлат фаолияти кўринишида намоён бўлади,

¹ Государственно-правовое управление качеством окружающей среды. Коллектив авторов (М.Р.Аракелян, И.Л.Белый, Л.Д.Долгополова, Н.И.Долматова, М.А.Миндзаев, П.П.Музыченко, Е.А.Плотникова, А.В.Сурилов). – Киев-Одесса: Вища школа, 1983. – С. 43.

² Бу ҳақда қаранг: Ерофеев Б.В. Экологическое право России. Учебник. 20-е издание. – М.: Эксмо, 2007. – С.129-130.; Бринчук М.М. Экологическое право: Учебник. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Юристъ, 2004. – С. 174-175.; Крассов О.И. Экологическое право: Учебник. – М.: Дело, 2001. – С. 151-152.; Дубовик О.Л. Экологическое право: Учебник. – М., 2004. – С. 131-132.; Дмитренко А.В. Экологическое право. Учебник. – М.: Дашков и К, 2010. – С. 142-143.; Анисимов А.П. Экологическое право России: Учебник. – М.: Юрайт, 2010. – С. 120-121.; Марьин Е.В. Экологическое право России. – М., 2008. – С. 127-128.; Балашенко С.А. Государственное управление в области охраны окружающей среды // Государство и право. – 2001. – №7. – С. 106-137.

² Жураев Ю. А. Право и управление в области использования и охраны природной среды Республики Узбекистана: Автореф. дис. док юрид. наук. – М. Инс. гос. и право РАН, 1996.

³ Усмонов М. Б. Ер ва қонун. – Тошкент, 1994.

⁴ Бозоров У.Б. Табиий ресурсларга нисбатан мулк ҳуқуқи тушунчаси ва хусусиятлари // Экология ҳуқуқи. Дарслик. – Тошкент: Адабиёт жамғармаси, 2001.

⁵ Файзиев Ш.Х. Рациональное использование природных ресурсов в социально-экономическом развитии Узбекистана // Хозяйство и право. – Ташкент, 2003. – №7. – С-87-90.

⁶ Хамроев С.С. Ер ости бойликларидан фойдаланишда консессуал шартномалар. – Тошкент, 2004. – Б.239.

унинг ўзига хослиги давлат функцияларини амалга оширишга оид кундалик амалий ишларни ташкил этишдан иборатдир¹. Бундай бошқарувда бўйсунувчи объектларга барча таъсир чоралари, шу жумладан, тартибга солиш чораси ҳам ўтказилади. Бу ишлар давлат томонидан ёки унинг топшириғи бўйича амалга оширилар экан, корхоналарда ташкилот ичидаги нодавлат бошқаруви мавжуд бўлсада, давлат томонидан тартибга солиш тўғрисида сўз юритиш мақсадга мувофиқдир².

Бу жараёнда қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ҳамда уларни бажариш мақсадида иқтисодий алоқаларнинг ижтимоий-маданий қурилиши ва маъмурий-сиёсий фаолиятининг барча томонларига бевсита раҳбарлик қилиш амалга оширилади, у қонунга оид хусусиятга эга бўлади. Ижро этувчи ва бошқарувчи фаолият давлат бошқарувининг асосий мазмуни ҳисобланди. Бу шуни англатадики, биринчидан, давлат томонидан тартибга солишнинг ҳокимият органлари томонидан аниқ ифодалаб бериладиган амалдаги қонунни ижро этиш фаолиятидир. Ушбу фаолият юридик бошқаришни амалга оширадиган мажбурий норматив ёки алоҳида кўрсатмаларда ўз ифодасини топади. Экологик муносабатларни давлат томонидан тартибга солиш – бу ташкил этувчи фаолиятдир. Турли даражадаги ижро этувчи ва бошқарувчи фаолият давомида табиатни муҳофаза қилиш, хўжалик юритиш, ижтимоий-маданий ва маъмурий-сиёсий қурилиши соҳасидаги вазифаларни бажарувчи кишиларнинг биргаликдаги фаолияти ташкил этилади. Бу мақсадда давлат бошқарув органлари бошқариш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишни амалга оширадилар, бошқариладиган тизимларнинг фаолият кўрсатиши билан боғлиқ умумий масаларни ҳал қиладилар, бошқариш муносабатлари

¹ Каримова О., Гаффоров З. Давлат ва ҳуқуқ асослари. Дарслик. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – Б. 208.

² Методы и формы государственного управления. – М.: Юрид. лит., 1977. – С. 13.

қатнашувчиларнинг фаолиятларини бирлаштирадилар ва мувофиқлаштирадилар¹.

Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи нормаларнинг тааллуқлигини таҳлил қиладиган бўлсак, бизнинг фикримизча, ушбу соҳадаги бошқарув комплекс, тармоқлараро ҳуқуқий институтни ифодалайди ҳамда конституциявий, маъмурий, экологик, фуқаролик, молия ва бошқа ҳуқуқ соҳаларига тааллуқли нормалардан иборатдир.

Табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида бошқарув комплекс ҳуқуқий институти ўз навбатида бир неча субинститутлардан ташкил топган. Назаримизда, бундай бўлиниш асосида тартибга солиш объектлари ва уларга тааллуқли бўлган бошқарув тармоқлари ётиши зарур. Шунга кўра, қуйидаги субинститутларни ажратиб кўрсатишимиз мумкин: атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги бошқарув; ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида бошқарув; сув объектларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида бошқарув; ўрмонлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида бошқарув; ер қаъридан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида бошқарув; ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида бошқарув; атмосфера ҳавосидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида бошқарув.

Табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарувидан мақсад – табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш, табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги ва экологик қонунларга қатъий риоя этиш, инсон ҳаёти учун қулай экологик муҳит яратиш, мавжуд табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш ҳамда барча

¹ Круглый стол: реформирование системы государственного управления в сфере охраны окружающей среды. 28 июня 2010 года. – М., 2010. – С. 31.

табиат бойликларини келажак авлод учун ҳамда мустақил давлатимиз равнақи учун кўз қорачиғидек сақлашдан иборат бўлиши керак¹.

Й.О.Жўраевнинг ёзишича, табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви деганда қуйидаги уч асосий вазифани бажарувчи тегишли органларнинг фаолияти тушунилади: 1) табиий ресурслардан оқилона, интенсив фойдаланиш; 2) атроф табиий муҳит ва экологик мувозанатга антропоген омилининг салбий таъсирини максимал чеклаш (бартараф этиш); 3) тикланадиган ресурсларни тиклаш ва уларнинг ҳолатини барча чоралар билан яхшилаш. Ушбу вазифалар давлат бошқарувининг олий органлари – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси фаолиятида амалга оширилади².

Фикримизча, табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви вазифалари 1) бошқаришни самарали амалга оширишнинг асосий омилларини ишлаб чиқиш; 2) тезкор бошқаришнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш; 3) стратегик бошқарув усулларини ишлаб чиқиш ва прогноз қилиш кабиларни ҳам қамраб олиши даркор.

Табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарувини таъминлаш бир қатор принципларга амал қилишни тақозо этади. Умуман олганда принцип деганда одатда сиёсат, фан, назария, дунёқарашнинг энг асосий қоидаларини тушунадилар³. Хорижий сўзлар луғатида “принцип (лот. “*principium*”) – муҳим, раҳбарий ғоя, фаолият, хулқ-атворнинг асосий қоидалари” сифатида мустаҳкамланган⁴. В.В.Ярков эса, “принцип – фаннинг узоқ йиллик ривожланиши натижасида шаклланган

¹ Холмўминов Ж.Т. Ўзбекистон Республикасининг экология ҳукуки. Дарслик / Маъсул муҳаррир: проф. У.Таджихонов. – Тошкент: ТДЮИ, 2003. – Б. 27.

² Жураев Ю.А. Право и управление в области использования и охраны природной среды Республики Узбекистана: Автореф. дисс. ... д-ра юрид. наук. – М.: Инс. гос. и право РАН, 1996. – С. 43.

³ Филимонов В.Д. Принципы уголовного права – М.: АО “Центр ЮрИнфоР”, М.:ЮрИнфоР, 2002. – С. 12.

⁴ Словарь иностранных слов и выражений / Авт.- сост. Н.В.Трус, Т.Г.Шубина. – М.: Литература, 1997. – С.71.

тарихий категория бўлиб, инсоният маданиятининг қимматли элементи ҳисобланади”¹, деб ёзади.

Табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви принциплари сифатида проф. Ж.Т.Холмўминов инсон ҳаёти ва соғлиғини таъминлаш мақсадида табиат объектларини сақлаш ва тиклаб бериш; табиат ресурсларига нисбатан давлат мулкчилиги; ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнида экологик муаммоларни ҳал қилишга давлатнинг алоҳида эътибор бериши; табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарувини олиб бориш, ташкил этиш ва бажариш жараёнида турли самарали иқтисодий методлардан фойдаланиш лозимлиги; экологик муаммоларни ҳал қилишда кенг жамоатчилик, фуқаролар, жамоат ташкилотлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларини жалб қилиш; демократик марказлашув ва қонунийлик; келажак авлод олдида экологик муаммоларни ҳал этишдаги жавобгарлик ва бошқаларни кўрсатиб ўтади. Бундан ташқари, ушбу соҳада қонунийлик, режалаштириш ва буйсуниш каби умумий принципларни ҳам ўз ичига олади².

Бизнингча, табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви принциплари рўйхатига бундай бошқарувнинг мақсад ва вазифаларини белгилаб олиш; чора-тадбирлар ишлаб чиқиш; вазифаларни ишлари тариқасида тақсимлаш; бўлинмаларнинг ўзаро фаолиятини мувофиқлаштириш; иерархиявий тузилма ва буйсунув шакллантириш; қарор қабул қилиш жараёнини оптималлаштириш; ишонтириш ва рағбатлантиришга кенг таяниш кабиларни ҳам киритиб ўтишимиз мақсадга мувофиқ.

¹ Арбитражный процесс. Учебник / Отв. ред. проф. В.В. Ярков – М.: БЕК, 2001. – С. 32.

² Холмўминов Ж.Т. Ўзбекистон Республикасининг экология ҳукуқи. Дарслик / Маъсул муҳаррир: проф. У.Таджихонов. – Тошкент: ТДЮИ, 2003. – Б. 27.

1.2. Табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарувининг функциялари ва усуллари

Табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви функциялари давлатнинг экологик функцияси билан узвий боғлиқ, таъбир жоиз бўлса, унинг асосида ривожланади. М.Нажимов таъбири билан айтганда, “давлатнинг экологик функцияси деганда, унинг жамият талаб ва эҳтиёжларини янада тўлиқроқ таъминлаш ва жамият аъзоларининг яшаш, меҳнат ва дам олиш шароитларини яхшилаш, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш вазифаларини ҳал этиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларни тиклаш ва кўпайтириш борасидаги фаолияти тушунилади”¹.

Профессор Ж.Т.Холмўминов таъкидлашича, табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви уч шаклда амалга оширилади:

1) ҳуқуқ ижодкорлиги – бунда экология соҳасини бошқариш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш мумкин бўлади.

2) ҳуқуқни татбиқ этиш – давлат томонидан аниқ тадбирларни амалга ошириш учун қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бошқариш жараёнида қўллашни таъминлаш;

3) ҳуқуқни муҳофаза қилиш – давлатнинг экология соҳасини бошқариш билан боғлиқ бўлган талабларини ўз вақтида бажармаганлик учун тегишли жавобгарликлар белгилаши орқали амалга оширилади².

Ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти, давлат органлари томонидан ва жамоат ташкилотларининг табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатларини белгиловчи ёки фуқароларнинг ҳуқуққа мувофиқ

¹ Нажимов М. Давлатнинг экологик функцияси: Юрид. фан. номз. ... дисс. – Тошкент: ТДЮИ, 2004. – Б.23.

² Холмўминов Ж.Т. Ўзбекистон Республикасининг экология ҳуқуқи. Дарслик / Маъсул муҳаррир: проф. У.Таджихонов. – Тошкент: ТДЮИ, 2003. – Б. 27.

фаолияти шартлари, мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ ва тартибни таъминлаш ҳамда муҳофаза қилиш борасидаги фаолиятини белгиловчи янги экологик ҳуқуқий меъёрларни чиқариш, уларни жорий этиш ёки амалдагиларини бекор қилишни ўз ичига олади.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилишда ҳуқуқни татбиқ этишнинг самарадорлиги фақат қонунчиликнинг мукамаллигига эмас, балки татбиқ этиш объектларининг экологик-ҳуқуқий онги, экологик-ҳуқуқий маданияти даражаси, Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси томонидан табиатни бугунги ва келажак авлодлар учун асрашга жамоа, давлат ва бутун жамият олдида маъсул эканини англаб етишига ҳам боғлиқ бўлади.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилишни ҳуқуқий асосларини шакллантириш жараёни кўп жиҳатдан ҳуқуқий экологик меъёрлар мазмунини билиш, англаш, ўзлаштиришга таъсир кўрсатувчи психологик омиллар қай даражада ҳисобга олиниши ва қўлланиши, уларга нисбатан ижобий муносабатни, уларга риоя қилиш, ўз феъл-атворини уларда кўрсатилган қоидаларга мослаштиришга тайёрликни шакллантириш билан белгиланади.

Бизнингча эса, бошқарув шакллари иккига ажратиш мақсадга мувофиқ:

1) ҳуқуқий шакллар – уларга ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти киради;

2) ноҳуқуқий шакллар – оператив-хўжалик тақсимооти ва ижрочини ўзига юклатилган функцияларни самарали амалга ошириши учун зарур бўлган материаллар, техник, молиявий ҳамда бошқа маблағ ва воситалар билан таъминлаш кабилар киради.

Бошқарув функциялари – қонунчилик ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланган экологик бошқарув субъекти ёки субъектлари гуруҳининг атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни ташкил этишга қаратилган фаолияти йўналишлари.

Аниқ вазифаларни ҳал этиш учун ушбу умумий тушунча етарли эмас. Шу боис, айрим муаллифлар, жумладан А.В.Матвеев “давлат органи экологик функцияси” сингари аралаш тушунчани таклиф этади ҳамда бу ерга унинг атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, инсоннинг ва бошқа объектларнинг экологик хавфсизлигини таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш мақсадига қаратилган ваколати доирасидаги вазифаларидан келиб чиқувчи фаолиятининг асосий йўналишларини киритади¹.

Юқоридагилар асосида бизнингча, табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви функциялари сифатида ташкиллаштириш, режалаштириш, мувофиқлаштириш, назорат ва ҳисобга олиш кабиларни кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Адабиётларда экологик бошқарувнинг турли мажмуалари таклиф этилади. Хусусан, М.М.Бринчук улар сирасига жамият ва атроф табиий муҳитнинг ўзаро муносабатлари соҳасида органлар тизимини тузиш; қонун ости ижодкорлиги; атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштириш; табиий ресурсларни тасарруф этиш; режалаштириш; экологик меъёрлаш; экологик экспертиза; экологик лицензиялаш; экологик аудит; атроф табиий муҳит ҳолатини кузатиш; табиат, унга зарарли таъсир кўрсатиш, алоҳида табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларнинг ҳолатини ҳисобга олиш; экологик таълим-тарбия; назорат; табиатдан фойдаланиш ва атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги низоларни маъмурий тартибда ҳал қилиш кабиларни киритади².

С.Б.Горольцев бундай функцияларни уч гуруҳга ажратади: 1) ахборот тўплаш, маълумотни ўрганиш, тайёрлаш, ижро этиш ва қарор қилиш билан боғлиқ ташкиллаштириш, умумий раҳбарлик қилиш, оператив фармойиш бериш, ҳуқуқ ижодкорлиги бўйича бошқарув функцияси; 2) режалаштириш,

¹ Матвеев А.В. Управление охраной окружающей среды: Учебное пособие. – СПб.: ГУАП, 2003. – С. 39.

² Бринчук М.М. Экологическое право: Учебник. – 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Юристъ, 2004. – С. 91.

прогноз қилиш ва мувофиқлаштириш; 3) ҳисобга олиш, назорат ва контрол қилиш. Шунга яқин фикрлар бошқа муаллифлар томонидан ҳам билдириб ўтилган.

А.И.Лагунова эса, табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви функцияларига қуйидагилар киритилади: а) режалаштириш (маҳаллий мақсадли дастурлар ва бошқа режалар шаклида) ва стратегияни белгилаш (давлат концепцияларини қабул қилиш); б) табиий ресурсларни ҳисобга олиш ва атроф табиий муҳит ҳолати устидан кузатиш (мониторинг ва кадастр юритиш шаклида амалга оширилади); в) табиий ресурсларни фойдаланувчилар ўртасида тақсимлаш ва қайта тақсимлаш; г) рухсат берувчи тизим (табиий ресурслардан фойдаланиш ва атроф табиий муҳитга таъсир кўрсатиш учун рухсатнома ва лицензия бериш); д) ҳуқуқ ижодкорлиги; е) контрол ва назорат; ж) низоларни ҳал қилиш¹.

Юқоридагилар билан бирга бошқарув функцияларини умумий ва махсусга бўлишимиз мумкин: умумий – ушбу фаолият соҳаси билан бир қаторда умумий бошқарувни ҳам амалга оширади ҳамда махсус – фақатгина табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарувини амалга оширувчи органлар. Шунга мувофиқ, биринчи гуруҳга ҳуқуқ ижодкорлиги, рухсат берувчи, мувофиқлаштирувчи, назорат, шунингдек, режалаштириш, бошқа ҳокимият ва бошқарув органларини ҳамда барча манфаатдор субъектларни ахборот билан таъминлаш, қонунчиликка риоя этилишини, шу жумладан қонунда назарда тутилган ҳолларда юридик жавобгарликка тортиш орқали таъминлаш кабиларни киритишимиз мумкин. Иккинчи гуруҳга шартли равишда атроф табиий муҳитни қонун доирасида ифлослантирганлик ва чиқиндиларни жойлаштирганлик учун компенсация тўловларини ундириш, табиий ресурслардан фойдаланиш ва атроф табиий муҳитга салбий таъсир этиш квота ва лимитларини белгилаш, табиий

¹ Лагунова А.И. Государственное управление охраной окружающей природной среды субъекта Российской Федерации: Дисс. ... канд. юрид. наук. – Красноярск, 2001. – С. 23-24.

ресурсларни қайта тақсимлаш, табиатдан фойдаланиш ҳуқуқини бериш ёки тўхтатиш.

Давлат бошқарувининг асосий функциялари – давлат органлари фаолиятини ахборот билан таъминлаш; прогнозлаш ва моделлаш; режалаштириш; ташкиллаштириш; фармойиш бериш; раҳбарлик қилиш; мувофиқлаштириш; назорат қилиш; тартибга солиш ва ҳисобга олиш¹.

Шундай қилиб, экологик бошқарув функцияси тўғрисидаги масала ҳақиқаттан ҳам жуда мураккаб бўлиб, юридик адабиётларда бу тўғрисида ягона фикрга келинмаган. Жумладан, экологик экспертиза нима – бошқарувнинг алоҳида функциясими, атроф табиий муҳитга салбий таъсирнинг олдини оловчи ҳуқуқий институт (восита)ми, экология ҳуқуқининг мустақил институтими ёки дастлабки босқичларда амалга ошириладиган назорат усулими; экологик суғурта ва аудит бошқарув функцияси ҳисобланадими ёки улар атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ишлатиладиган иқтисодий-ҳуқуқий воситаларми, деган табиий саволлар туғилади.

Мухтасар айтганда, давлат экологик бошқарув функциясини унинг куйидаги расмий хусусиятларини кўрсатган ҳолда ажратишимиз мумкин: 1) бошқарув субъектининг оммавий ҳокимият тизимига тааллуқлилиги; 2) бошқарув субъектини табиатдан фойдаланиш ва атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатли орган сифатида унинг ваколатларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда акс эттирилиши; 3) бошқарув функциясининг давлат номидан амалга оширилиши; 4) бошқарув субъектини функцияларини амалга ошириши учун тегишли усуллар билан таъминланганлиги (масалан, таъқиқлар, чекловлар белгилаш, санкция қўллаш, рухсат бериш, фаолият тартибини белгилаш, мажбурий кўрсатмалар бериш ва ҳ.к.).

¹ Кадомцева А.Е. Экологическая функция современного Российского государства. – Саратов, 2001. – С. 34.

Юқоридагилар асосида фикримизча, табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви функцияларига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

1) **тартибга солиш** – норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни чиқариш, экологик нормативларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

2) **мувофиқлаштириш** – ўзаро буйсунувда бўлмаган бир неча давлат органининг табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги маълум вазифаларни ҳал этиш учун келишуви;

3) **прогноз қилиш ва режалаштириш** – режа, прогноз, концепция ва дастурлар ишлаб чиқиш;

4) **рухсат бериш** – табиий ресурслардан фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини амалга ошириш, камёб ва йўқолиб бораётган ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектлари муомаласини амалга ошириш учун рухсатнома (лицензия) бериш;

5) **ахборот** – экологик мониторинг юритиш, ифлосланиш манбаларини инвентаризация қилиш ва паспортлаш, табиий ресурслар кадастр ҳисобини олиб бориш орқали атроф табиий муҳит ҳолати ва экологик хавфли фаолият тўғрисида маълумот йиғиш;

6) **назорат** – хўжалик юритувчи субъектлар, фуқаролар ва давлат ташкилотларининг экологик қонунчиликка, экологик экспертиза талабларига риоя этиши юзасидан текширувлар ўтказиш;

7) **табиий-қўриқхона** – муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ташкил этиш ва бошқариш, Ўзбекистон Республикаси Қизил китобини юритиш;

8) **халқаро ҳамкорлик** – атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида халқаро тажрибани ўрганиш, умумлаштириш ва кенг қўллаш, Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажарилишини таъминлаш.

Табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви усуллари эса В.А.Власовнинг ёзишича: 1) маъмурий – тўғридан-тўғри, бевосита буйруқ бериш сингари чораларни қамраб олувчи мазкур бошқаруви усули давлат мажбурлови билан таъминланади; 2) иқтисодий – муносиб экологик хулқ-атворда бўлишни иқтисодий рағбатлантиришдан иборат; 3) мафкуравий – тарғибот-ташвиқот, таълим-тарбия ва б.қ.ларни қамраб олади¹.

Шунингдек, адабиётларда экологик бошқарув усуллари ишонтириш ва мажбурлаш усуллари, шунингдек, мажбурий кўрсатмалар усули (унинг таркибига таъқиқлар, тавсиялар, рухсат бериш, розилик олиш кабилар киради) тариқасида таснифлаш ҳам учрайди².

Д.Л.Байдельдинов эса, табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви усуллари сифатида ташкилий-фармойиш берувчи (кўрсатма бериш, назорат қилиш, ижро этиш); иқтисодий; ижтимоий-психологик (рағбатлантириш) кабиларни киритиши мумкинлигини қайд этади³.

Бизнинг фикримизча, табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви усуллари деганда, бошқарилувчи субъектлар хулқ-атворида таъсир этиш усул ва воситалари тушунилади.

Табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви усуллари турлари эса, қуйидагилардан иборат:

- 1) **таъқиқлаш** – муайян ҳаракатлардан тийилиш мажбуриятини юклаш;
- 2) **мажбурлаш** – муайян ҳаракатларни бажаришни юридик мажбурият сифатида юклаш;
- 3) **тавсия этиш** – мажбурий тусга эга бўлмаган кўрсатмалар;

¹ Власов В.А. Государственное управление в сфере охраны окружающей среды и природопользования: вопросы теории и практики: вопросы теории и практики: Дисс. ... канд. юрид. наук. – Екатеринбург, 2007. – С. 45.

² Дубовик О.Л. Экологическое право. Учебник. 3-е изд. – М.: Проспект, 2010. – С. 248.

³ Байдельдинов Д.Л. Правовой механизм государственного управления в экологии. – Алматы: Казак университети, 1998. – С. 28.

4) **санкциялаш** – фаолиятнинг муайян турларига рухсат (лицензия) бериш;

5) **розилик бериш** – у ёки бу объектларни жойлаштириш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш учун ваколатли органларнинг розилигини олиш;

6) **маъмурий** – ҳокимият ва буйсунув муносабатларига асосланган;

7) **иқтисодий** – табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш фаолиятини иқтисодий рағбатлантиришга асосланган.

1.3. Табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида

давлат бошқарувининг ҳуқуқий

асослари

Табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарувини амалга оширишнинг ҳуқуқий масалалари давлат бошқарув органлари фаолиятини тартибга солишга қаратилган қонунчилик ҳужжатларида, шунингдек, табиатни муҳофаза қилишга оид қонунчилик нормаларида ўз аксини топган.

Хусусан, табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарувининг ҳуқуқий асослари тизимида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси муҳим ўрин эгаллайди. Ўзбекистон Республикаси Асосий қонунининг 5-бўлими “Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши”га бағишланган бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси (XVIII-боб), Ўзбекистон Республикаси Президенти (XIX-боб), Вазирлар Маҳкамаси (XX-боб), маҳаллий давлат ҳокимияти асослари (XXI-боб), Ўзбекистон Республикасининг суд ҳокимияти (XXII-боб), прокуратура (XXIV-боб) органларининг асосий фаолият йўналишлари, ваколатлари, вазифалари ва функциялари белгилаб берилган. Конституцияда белгиланган мазкур асосий қоидалар кейинчалик тармоқ қонунчилигини шакллантиришда муҳим ҳуқуқий замин вазифасини ўтаган. Ҳаракатдаги қонунлар ушбу нормалар асосида қабул қилинган бўлиб, мазкур нормаларни амалда татбиқ

этилишини таъминлашга хизмат қилади. Таъкидлаш лозимки, ушбу конституциявий нормалар бевосита экология ҳуқуқи учун ҳам, шу жумладан табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарувини ташкил этиш учун ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Конституциявий нормалардан келиб чиққан ҳолда амалдаги бошқарув қонунчилигида ҳам давлат ҳокимият ва бошқарув органларининг табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўз аксини топган. Хусусан, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида” (12.12.2002 й.), “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида” (12.12.2002 й.), янги таҳрирдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида” (29.08.2003 й.), “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги (02.09.1993 й.) қонунлар шулар жумласидандир. Мазкур қонунларда ушбу органларнинг табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги бошқарувни амалга ошириши билан боғлиқ фаолиятига оид нормалар мустаҳкамланган.

Шунингдек, давлат бошқарув органларининг ваколатлари амалдаги табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигида ҳам атрафлича тартибга солинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунида табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат бошқарувига алоҳида эътибор берилиб, 2-боби “Давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг табиатни муҳофаза қилишга тааллуқли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишдаги ваколатлари” (7-11-моддалар) деб номланади. Мазкур қонунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг табиатни муҳофаза қилишга оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари (7-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари (9-модда), давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий идораларининг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари (10-модда), Ўзбекистон Республикаси Табиатни

муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ваколатлари (11-модда) ўз аксини топган.

“Давлат кадастрлари тўғрисида”ги қонунда (15.12.2000 й.) ҳам табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат бошқарув органларининг давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги ваколатлари белгиланган. Унга кўра, давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, махсус ваколатли орган ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади (8-модда).

Мазкур қонун(9-моддаси)дан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги ваколатлари ўрин олган. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: давлат кадастрларининг ягона давлат сиёсатини амалга оширади, уларни такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини белгилайди, молиялаштириш ва инвестиция масалаларини ҳал қилади; Давлат кадастрлари ягона тизимини юритиш тартибини белгилайди; кадастр объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, кадастрга доир ахборотни фойдаланувчиларга тақдим этиш тартибини белгилайди; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Шунингдек, ушбу қонунда махсус ваколатли органнинг давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги ваколатлари (10-модда) ҳам кўзда тутилган. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги махсус ваколатли орган ҳисобланади ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради; Давлат кадастрлари ягона тизимини юритади; вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларни тегишли давлат кадастрларини юритиш учун зарур бўлган картография материаллари билан белгиланган тартибда

таъминлайди; давлат кадастрлари юритилишига доир норматив ҳужжатларни белгиланган тартибда тасдиқлайди; мутахассислар тайёрлаш ва малакасини ошириш ишларини ташкил этади; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Қонунда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги ваколатлари (11-модда) ҳам мустаҳкамланган. Унга биноан, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари: кадастр объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни ташкил этадилар; давлат ер кадастрини, бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш ишларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маҳаллий бюджет ҳисобидан молиялаштирадилар; тегишли ҳудудлар давлат кадастрининг юритилишини ташкил этадилар; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширадилар.

Шунингдек, “Давлат санитария назорати тўғрисида”ги (03.07.1992 й.) қонунда ҳам давлат идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар ва алоҳида шахсларнинг санитария-эпидемия масалаларида аҳолининг хотиржамлигини таъминлашга доир мажбуриятлари (7-модда) белгиланган. Унга кўра, давлат идоралари, мулкчиликнинг шаклларида қатъи назар корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар ва алоҳида шахслар: белгиланган тартибда тасдиқланган санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига риоя этишлари; давлат санитария назоратини амалга ошираётган идоралар, муассасалар, мансабдор шахсларга рўй берган авариялар, санитария- эпидемия, радиация вазияти тўғрисида ҳаққоний ва тўла-тўқис ахборот беришлари шарт.

Шу билан бирга қонуннинг 21-моддасида санитария назорати ва текширувини амалга оширувчи идоралар ва муассасалар тўғрисида сўз боради. Ўзбекистон Республикасининг давлат санитария-эпидемиология хизмати қайси идорага бўйсунушидан ва мулкчиликнинг шаклларида қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган давлат идоралари,

корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига риоя этишлари устидан давлат санитария назоратини амалга оширади. Санитария-эпидемиология станцияси тиббий профилактик муассаса ҳисобланиб, санитарияга доир ва эпидемияга қарши кураш чора-тадбирларининг мажмуини уюштирилишини ва ўтказилишини таъминлайди ҳамда давлат санитария назоратини амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Мудоффа, Ички ишлар вазирликларининг, Миллий хавфсизлик хизматининг ва Ўрта Осиё темир йўлининг ишлатилаётган ва қурилатган объектларида идоравий санитария назоратини тегишли вазирликлар ва идораларнинг санитария-эпидемиология станциялари амалга оширадilar. Санитария милицияси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқлаган Низомга мувофиқ санитария текширувини амалга оширади. Давлат санитария-эпидемиология хизмати идоралари, муассасалари ва мансабдор шахслари қайси идорага бўйсунганидан қатъи назар, санитария-эпидемиология хизмати фаолиятига йўл-йўриқ кўрсатиб раҳбарлик қиладилар, уни уйғунлаштириб ва текшириб борадилар.

Ўзбекистон Республикасининг “Радиациявий хавфсизлик тўғрисида”ги қонунида (31.08.2000 й.) ҳам давлат бошқаруви масалалари қамраб олинган. Хусусан, унинг 7-моддасида радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш масаласи белгиланган. Унга мувофиқ, радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда у ваколат берган давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш қуйидагилардан иборат бўлади: радиациявий хавфсизликка доир талабларга риоя этилишини давлат томонидан назорат қилиш ва текшириш; ионлаштирувчи нурланиш манбаларини ишлатиш соҳасидаги

фаолиятни лицензиялаш; қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат маҳсулотларини, емларни, ичимлик ва техник сувларни, қурилиш материалларини ва улардан тайёрланган буюмларни радиациявий ифлосланиш жиҳатидан сертификатлаш; барча турдаги қурилиш учун ер участкалари ажратилиши келишиб олинаётганда радиациявий ифлосланишни аниқлаш.

Қонунинг 8-моддасида радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги назорат ўз аксини топган. Радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги давлат назоратини Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси амалга оширади. Радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги ишлаб чиқариш назоратини ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан фойдаланувчилар амалга оширади.

Юқоридагилар билан бир қаторда табиий ресурсларга оид қонунчиликда ҳам табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги бошқарув тартибга солинган. Жумладан, 1998 йил 30 апрелдаги Ер кодексида¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари (4-модда), вилоятлар, Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органларининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари (5-модда), туманлар давлат ҳокимияти органларининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари (6-модда), шаҳарлар давлат ҳокимияти органларининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари (7-модда) атрофлича тартибга солинган.

¹ “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси”, 1998 йил, 5-6-сонлар, 82-модда.

1993 йил 6 майдаги “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуннинг¹ 2-бобида ҳам “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг сувга доир муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари”, 3-бобида “Сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви ва назорати” тартибга солинган.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сувга доир муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари (5-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг сувга доир муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари (6-модда), маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг сувга доир муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари (7-модда), сувдан фойдаланиш соҳасида давлат бошқаруви (8-модда) белгиланган.

Унга кўра, сувдан фойдаланиш соҳасида давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек сувдан фойдаланишни бевосита ёки ҳавза (худудий) бошқармалари орқали тартибга солувчи махсус ваколатли давлат бошқаруви органлари томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (ер усти сувлари), Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси (ер ости сувлари) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси (ер ости иссиқ сувлари ва минерал сувлар) ўз ваколатлари доирасида сувдан фойдаланишни тартибга солиш соҳасида махсус ваколатли давлат бошқаруви органлари ҳисобланади (8-модда).

1997 йил 26 декабрдаги “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуннинг² 4-моддаси ҳам ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги давлат бошқаруви

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 5, 221-модда.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 1-сон, 12-модда.

масалаларига бағишланган бўлиб, унда ёзилишича, ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек махсус ваколат берилган давлат органлари томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги ўрмон хўжалиги бош бошқармаси ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасида махсус ваколат берилган давлат бошқарув органларидир.

1997 йил 26 декабрдаги “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуннинг¹ 6-моддаси “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасида давлат бошқаруви” деб номланиб, унда қайд этилишича, “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасида давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги ўрмон хўжалиги бош бошқармаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади”.

1999 йил 15 апрелдаги “Ўрмон тўғрисида”ги қонуннинг² 9-моддаси ўрмонларни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, улардан фойдаланиш ва уларни такрорий кўпайтириш соҳасидаги давлат бошқарувига оид бўлиб, унга кўра, ўрмонларни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, улардан фойдаланиш ва уларни такрорий кўпайтириш соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги ўрмон хўжалиги бош бошқармаси ва Ўзбекистон Республикаси Табиатни

¹ “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси” 1998 й., № 1, 14-модда.

² “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси” 1999 й., № 5, 122-модда.

муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги ўрмон хўжалиги бош бошқармаси ва унинг жойлардаги органлари давлат ўрмон хўжалиги органлари ҳисобланади.

1996 йил 27 декабрдаги “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуннинг¹ 5-моддасида ёзилишича, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарувини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари амалга оширадилар.

2002 йил 13 декабрдаги “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги (янги таҳрирдаги) қонуннинг² 2-бўлими “Кончилик муносабатларининг давлат томонидан тартибга солиниши” деб номланиб, ундан кончилик муносабатлари соҳасидаги давлат бошқаруви (7-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг кончилик муносабатлари соҳасидаги ваколатлари (8-модда), маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг кончилик муносабатлари соҳасидаги ваколатлари (9-модда), фойдаланишга берилган ер қаъри участкаларининг давлат ҳисобини юритиш, ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқларини давлат рўйхатидан ўтказиш (11-модда), ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш ишларининг давлат ҳисобини юритиш (12-модда), фойдали қазилма конларининг ва фойдали қазилма конлари аниқланиши эҳтимоли бўлган истиқболли ер қаъри участкаларининг давлат реестри (13-модда), фойдали қазилма конлари, фойдали қазилма белгилари ва техноген минерал ҳосилалар давлат кадастри (14-модда), фойдали қазилмалар захиралари давлат баланси (15-модда), фойдали қазилмалар захираларини тасдиқлаш ва геологик материалларнинг давлат экспертизаси (16-модда), фойдали қазилмалар захираларини ҳисобдан чиқариш (17-модда), ер қаъри мониторинги (18-модда) каби масалалар ўрин олган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 52-модда.

² “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2003 й., 1-2-сон, 1-модда.

Гувоҳи бўлганимиздек, табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви масалалари мамлакатимизда бошқарувга оид қонунчилик доирасида ҳам, амалдаги экологик қонунчилик билан ҳам тартибга солинган. Табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларининг деярли барчасида тегишлилик бўйича давлат бошқаруви масалалари алоҳида бўлим, боб ёхуд модда (моддалар) доирасида тартибга солинган.

Буларнинг барчаси ўз навбатида табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарувини ҳуқуқий тартибга солиш масалаларининг нақадар долзарб эканлигидан, унинг табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги принципларни таъминлаш, экологик қонунчиликка риоя этилишини кафолатлашдаги аҳамияти беқиёс эканлигидан далолат беради.

Шунингдек, ҳуқуқшунос олимлар¹ томонидан қабул қилиниши таклиф этилаётган Экология кодексида ҳам давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг табиатни муҳофаза этишга тааллуқли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги ваколатларини алоҳида модда сифатида кўрсатиб ўтиш жоиз.

¹ Ушбу ғоя юридик адабиётда олимлар томонидан талқин этилиб, ҳозиргача баҳсларга сабаб бўлмокда: Усмонов М.Б. Экология қонунчилиги муаммолари // Ҳаёт ва қонун. – 2002. – № 2. – Б. 53-54; Усмонов М.Б. Экология қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари // Экология қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари. – Тошкент, 2004. – Б. 5-7.; Холмўминов Ж. Т. Эколого-правовые проблемы рационального использования и охраны орошаемых земель в Республике Узбекистан: Автореф. дис. ... д-ра. юрид. наук. – Алматы, 1997. – С. 14; Жўраев Й. О. Атроф табиий муҳит муҳофазаси ҳуқуқий ва бошқарув асосларини ислоҳ қилиш тўғрисида // Экология қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари. – Тошкент, 2004. – Б. 19-22; Файзиев Ш. Х. Экологическое законодательство Республики Узбекистан: Система и классификация, концептуальные аспекты реформирования // Экология қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари. – Тошкент, 2004. – Б. 22–36; Маллаев Н. Р. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишни ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2003. – Б. 13; Мухамедов Ў. Х. Экологик қонунчиликни кодекслаштириш муаммолари // Экология қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари. – Тошкент, 2004. – Б. 62–65.; Ноимов Ш.Б. Ўзбекистон Республикасида Ички ишлар органларининг экологик қонунлар ижросини таъминлашдаги роли ва вазифалари: Юрид. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2007. – Б.53-54.; Сафаров Ж.И. Кодификация – экологик қонунчиликни такомиллаштириш истиқболи сифатида // ТДЮИ Ахборотномаси. – Тошкент, 2009. – №5. – Б.100-101.; Сафаров Ж.И. Экологик қонунчиликни кодификациялаш зарурияти // Ҳуқуқ ва бурч. – Тошкент, 2010. – №6. – Б. 52-53.

2-БОБ. ТАБИЙ РЕСУРСЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА МУҲОФАЗА ҚИЛИШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИ

2.1. Табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида умумий ваколатли давлат бошқарув органлари тушунчаси ва ваколатлари

Ўзбекистон Республикасида экологик муаммоларни ҳал этиш бир қанча давлат органларининг биргаликда иш олиб боришини тақозо қилади.

Атроф табиий муҳит соҳасида бошқарув органлари тизими ўзида турдош вазифаларни бажарувчи ва аниқ ваколатларга эга бўлган, сиёсий тизимда муайян ўринга эга бўлган, асосий эътиборини бошқарув функцияларини амалга оширишга қаратувчи ташкилий шакллар (ташкилот, муассаса ва органлар) мажмуини ифодалайди¹. Ушбу тизим икки асосий йўналишда – умумий ва махсус бошқарувда амалга оширилади.

Қонунга ёхуд бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ давлат бошқарувини амалга оширувчи органлар ҳуқуқий мақомига кўра, умумий ва махсусга бўлинади, улар эса, ўз навбатида буйсунуви бўйича Ҳукуматга ёки вазирликка қарашли бўлган; фаолият ҳудуди бўйича республика ёки маҳаллий доирада ҳаракат қилувчи органларга бўлинади.

Айни дамда юридик адабиётларда табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарувини вакиллик (қонунчилик), ижро, суд ҳокимияти ва прокуратура органлари ҳуқуқни қўллаш амалиёти орқали амалга ошириши тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар борасида мунозарали фикрлар билдирилган. Жумладан, бир қатор адабиётларда юқоридаги органлар табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат бошқаруви субъектлари қаторига киритилган бўлса², бошқа

¹ Бринчук М.М., Саморукова О.И. Производственный экологический контроль как мера охраны природы // Экологическое право. – Москва, 2007. – № 3. – С. 13-14.

² Правовое регулирование природоохранной деятельности / Под ред. А.Я.Сухарева, В.Д.Ермакова. – М., 1998. – С. 51.

манбаларда эса, прокуратура ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимининг элементи бўлиб, ўзининг вазифалари эга бўлиб, махсус ваколатларага ва ўзигагина хос бўлган таъсир чораларига эгалиги туфайли уни бошқарув субъекти қаторига киритиб бўлмайди, деб қайд этилади¹. Бизнинг фикримизча эса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳам том маънода назорат аҳамиятига эга фаолиятни амалга ошириш орқали бошқарув органлари сирасига киради.

Демак, давлат бошқарув органларининг табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатларига қараб умумий ва махсус тизимга бўлиш мумкин.

А.Нигматов қайд этишича, “давлатнинг умумий экологик бошқаруви – давлат бошлиғи ва ҳокимиятининг ўз ваколатлари доирасида экологик муносабатларни тартибга солиш функцияси. Ушбу фаолият Ўзбекистон Республикаси бутун ер кенглиги доирасида амалга ошириладиган бўлса, давлатнинг марказий органларининг экологик бошқаруви. Агарда органлар муайян маъмурий-ҳудудий бирликларда экологик бошқарувни амалга оширса – умумий кўринишдаги маҳаллий экологик бошқарув, дея эътироф этилади”².

Профессор Ж.Т.Холмўминов таъкидлашича, умумий давлат бошқаруви органларига қуйидагилар киради: 1) Президент ва унинг девони; 2) Олий Мажлис; 3) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси; 4) маҳаллий давлат ҳокимият органлари³.

Аввало, Ўзбекистон Республикасининг олий ҳокимият вакиллик органи – Олий Мажлиснинг табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги бошқаруви тўғрисида тўхталиб ўтсак. Олий Мажлиснинг табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги бошқаруви Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Ўзбекистон Республикаси

¹ Дубовик О.Л. Экологическое право. Учебник. 3-е изд. – М.: Проспект, 2010. – С. 250.

² Нигматов А.Н. Ўзбекистон Республикасининг экология ҳуқуқи. Дарслик. – Тошкент: ТДЮИ, 2004. – Б. 80-81.

³ Холмўминов Ж.Т. Ўзбекистон Республикасининг экология ҳуқуқи. Дарслик / Маъсул муҳаррир: проф. У.Таджихонов. – Тошкент: ТДЮИ, 2003. – Б. 27-28.

Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги конституциявий қонунлари, шунингдек, амалдаги экологик қонунчилик нормалари билан тартибга солинади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XVIII-боби “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси” деб номланиб, унинг 78-80-моддалари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ва алоҳида ваколатларига бағишланган.

Ушбу нормалар (78-модда) мазмунидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги биргаликдаги ваколатлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтишимиз мумкин: Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига экологик аҳамиятдаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш; Ўзбекистон Республикасининг табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунларини қабул қилиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш; Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи экологик сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат стратегик дастурларини қабул қилиш; бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан экологик аҳамиятдаги тадбирлар амалга ошириш учун йўналтириш; экологик аҳамиятдаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш; Ўзбекистон Республикаси Президентининг табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги вазирликлар, давлат қўмиталари ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тутатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш; Ўзбекистон Республикаси Президентининг экологик танглик ёки инқироз ҳудудларида фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ёки тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш; табиий ресурслардан

фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги халқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасининг табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги мутлақ ваколатларига (79-модда) экологик сиёсат, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, шу жумладан табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги у ёки бу масалалар юзасидан, шунингдек давлатнинг ички ва ташқи экологик сиёсати масалалари юзасидан қарорлар қабул қилиш киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги мутлақ ваколатларига (80-модда) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимиға биноан Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раисини тайинлаш ҳамда уни лавозимидан озод этиш; Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг ҳисоботларини эшитиш; ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, шу жумладан табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги у ёки бу масалалар юзасидан, шунингдек давлатнинг ички ва ташқи экологик сиёсати масалалари юзасидан қарорлар қабул қилиш киради.

Юқоридаги қоидалар ўз навбатида “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги конституциявий қонуннинг 8-моддаси (Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг биргаликдаги ваколатлари), 9-модда (Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари) ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги конституциявий қонуннинг 8-моддаси (Сенат ва Қонунчилик палатасининг биргаликдаги ваколатлари), 9-модда (Сенатнинг мутлақ ваколатлари)ларида ҳам белгиланган.

Сўнгги йилларда айниқса, Олий Мажлисининг табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолияти янада кенгайди.

Хусусан, Бу борада айниқса, Президентимиз Ислом Каримов тавсиясига кўра, 2008 йил 2 августда мамлакатимиз эколог олимлар, шу йўналишда иш олиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фаол жамоатчиликнинг ташаббуси асосида Ўзбекистон экологик ҳаракатининг тузилганлиги ҳамда уларга Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигидан 15 та кафолатланган мандатнинг ажратилиши муҳим қадам бўлди. Бундай амалиёт бугунги даврнинг долзарб талаби ҳисобланиб, халқаро андозаларга тўла мос келади. Профессор Ж.Т.Холмўминов эътироф этганидек, “Экоҳаракатнинг ташкил этилганлиги мамлакатимизда экологик жамоат бирлашмалари ривожланишининг янги босқичини бошлаб берди. Айниқса юртимизда фаолият юритаётган экологик жамоат бирлашмалари Экоҳаракат тимсолида атроф табиий муҳит ва инсон саломатлиги муҳофазаси бўйича барча саъй-ҳаракатларни бирлаштириш ҳамда сафарбар этиш имкониятига эга бўлинди”¹.

Профессор Ш.Х.Файзиев таъбири билан айтганда, “Бу борадаги жамоатчилик саъй-ҳаракатларининг давлатимиз томонидан фаол қўллаб-қувватланаётганлиги, жумладан, сайлов қонунчилигига мувофиқ Экоҳаракатга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидан ўн бешта депутатлик ўрни ажратилганлиги Экоҳаракат зиммасига катта масъулият юклаш баробарида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик аҳволни яхшилаш, аҳоли саломатлиги учун курашда кенг имкониятларни яратмоқда”².

Ҳозирда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида “Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси” ҳамда “Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси”, Сенатда “Аграр, сув хўжалиги ва экология масалалари қўмитаси” фаолият юритмоқда.

¹ Холмўминов Ж. Атроф табиий муҳит ва маданий мерос объектларини муҳофаза қилишнинг конституциявий асослари // “Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – жамият фаровонлиги ва тараққиётининг ҳуқуқий кафолати” мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент: ТДЮИ, 2009.– Б.46-47.

² Файзиев Ш.Х. Демократик сайловлар ўтказишнинг конституциявий асослари // ТДЮИ Ахборотномаси. – Тошкент, 2009. – №8. – Б. 122.

Айни дамда Олий Мажлисининг табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги бошқарув ваколатлари амалдаги экологик қонунчиликда ҳам ўз аксини топган. Чунончи, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунда Олий Мажлисининг сувга доир муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари (5-модда) кўзда тутилган. Унга биноан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сувга доир муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги тасарруфига қуйидагилар киради, чунончи: сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги қонунларни қабул қилиш, уларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш; сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда сув хўжалигига оид стратегик давлат дастурларини қабул қилиш; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тасарруфига кирадиган бошқа масалаларни ҳал этиш. Олий Мажлисининг табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги бундай ваколатлари амалдаги экологик қонунчиликнинг кўплаб нормаларида учратишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг экология соҳасидаги ваколатлари ҳам анча кенг. Профессор Й.О.Жўраев таъкидлашича, гарчанд Ўзбекистон қонунчилигида Республика Президентининг табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги аниқ ваколатлари кўзда тутилмаган бўлсада, Президент бундай ваколатларга эга ва бу Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси мазмунидан англашилади¹.

Асосий қонунимизнинг 93-моддасига мувофиқ, Президент Республикасининг Президенти табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш билан бир қаторда, яна:

¹ Жураев Ю.А. Право и управление в области использования и охраны природной среды Республики Узбекистана: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – М.: Инс. гос. и право РАН, 1996. – С. 43.

1) ижро этувчи ҳокимият девонини тузади ва унга раҳбарлик қилади; республика олий ҳокимият ва бошқарув органларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлайди; вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини тузади ва тугатади, шу масалаларга доир фармонларни кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари тасдиғига киритади;

2) Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси лавозимида номзодларни тақдим этади;

3) экологик нуқтаи назардан Президент “республика давлат бошқарув органларининг, шунингдек ҳокимларнинг қабул қилган ҳужжатларини тўхтатади, бекор қилади”;

4) экологик муносабатларни тартибга солишда Ўзбекистон Республикаси қонунларини имзолаш орқали қатнашиши мумкин. Башарти у Олий Мажлис томонидан қабул қилинаётган қонун фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, шу жумладан экологик ҳуқуқларини бузади ёки ғайриэкологик тусда деб ҳисобласа, Президент “қонунга ўз эътирозларини илова этиб, уни такроран муҳокама қилиш ва овозга қўйиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қайтаришга ҳақли”.

Шунингдек, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунда ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатларини белгилаб бериш мақсадга мувофиқ. Бундай мажбуриятларни белгилаш ЎзР Президентининг экологик фаолияти даражасини оширишга имкон беради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳам табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарувини амалга оширувчи умумий ваколатли давлат органи ҳисобланади. Юридик адабиётларда ҳақли равишда таъкидланганидек, Вазирлар Маҳкамаси давлат

бошқарув органлари тизимида марказий ўринни эгаллайди ҳамда республика миқёсида давлат сиёсатини ва бошқарувини олиб боради¹.

2003 йил 29 августдаги “�збекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги қонунда Вазирлар Маҳкамасининг иқтисодий ва ижтимоий-маданий ривожлантириш соҳасидаги асосий ваколатлари келтирилган (5-модда). Ушбу норма мазмунидан келиб чиққан ҳолда Вазирлар Маҳкамасининг экологик соҳасидаги бошқарув ваколатлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин: Ўзбекистон Республикасини иқтисодий ва ижтимоий, шу жумладан экологик ривожлантириш истиқбол кўрсаткичларини ва энг муҳим дастурларини ишлаб чиқишни ҳамда уларнинг ижросини ташкил этади; табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги бошқарув тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида, экологик соҳасидаги вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органларини тузиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқади; экологик фан ва техникани ривожлантириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга оширади; фуқароларнинг табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш чора-тадбирларини кўради; соғлиқни сақлаш, халқ таълимини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилайди, экологик маданиятни ривожлантиришга кўмаклашади; Ўзбекистон Республикасининг экологик хавфсизлигини таъминлаш, давлатнинг табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги манфаатларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга оширишга ёрдамлашади; давлат бошқаруви органларининг табиатни

¹ Раҳмонов А. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми: Юрид. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент: ТДЮИ, 2009.; Ҳашимхонов А. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳуқуқ ижодкорлик фаолияти: назария ва амалиёт масалалари: Юрид. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент: ТДЮИ, 2008.

муҳофаза қилиш тадбирларини биргаликда ўтказиш ҳамда республика ва халқаро аҳамиятга молик йирик экологик дастурларни амалга ошириш борасидаги ишларини мувофиқлаштиради, йирик авариялар ва фалокатларнинг, шунингдек табиий офатларнинг оқибатларини тугатиш чора-тадбирларини кўради; Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар ва халқаро экологик ташкилотлардаги вакилликни таъминлайди, экологик аҳамиятдаги ҳукуматлараро шартнома ва битимлар тузади, уларни бажариш чора-тадбирларини кўради.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари ишини мувофиқлаштириб ҳамда йўналтириб боради; табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органлари ҳақидаги низомлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади (6-модда); табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва давлат бошқаруви бошқа органларининг фаолияти устидан назоратни амалга оширади; Вазирлар Маҳкамаси табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви бошқа органларининг ҳужжатлари амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлган ҳолларда уларни бекор қилиш ҳуқуқига эга (7-модда).

Вазирлар Маҳкамасининг табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари амалдаги табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигида ҳам ўз аксини топган. Чунончи, Ер кодексининг 4-моддасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги қуйидаги ваколатлари санаб ўтилган: ерлардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга ошириш; Ер кодексига, бошқа қонун ҳужжатларига

мувофиқ ер муносабатларини тартибга солиш тўғрисида норматив ҳужжатлар қабул қилиш; тупроқ унумдорлигини ошириш, ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш юзасидан давлат дастурларини тасдиқлаш; қишлоқ хўжалигининг табиий мослашуви жиҳатидан ерларни районлаштириш, ер тузишни, ер мониторинги ўтказилишини ва давлат ер кадастри юритилишини ташкил этиш; давлат мулкидаги ерларни тасарруф этиш; ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишда вазирликлар ҳамда идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш; ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқларини ҳамда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини белгиланган тартибда ушбу Кодекснинг 36-моддасига мувофиқ бекор қилиш; ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини ташкил этиш; ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатларига кирадиган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

“Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунда (6-модда) ҳам Вазирлар Маҳкамасининг сувга доир муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари белгиланган. Унга мувофиқ, Вазирлар Маҳкамасининг сувга доир муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги тасарруфига қуйидагилар киради, чунончи: сув ресурсларидан комплекс ва оқилона фойдаланиш, уларни бошқариш ва муҳофаза қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш; сув ресурсларидан комплекс ва оқилона фойдаланиш, уларни бошқариш ва муҳофаза қилиш, шунингдек сувларнинг зарарли таъсирининг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш соҳасида вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, бошқа юридик шахсларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш; сув фондини ҳосил қилиш ва ундан фойдаланиш тартибини, сувдан фойдаланиш, сув истеъмоли меъёрларини ва сув объектидан сув олиш лимитларини (бундан буён матнда сув олиш лимитлари деб юритилади) тасдиқлаш тартибини белгилаш; сувларнинг

давлат томонидан ҳисобга олиб борилишини ҳамда сувдан фойдаланишни назорат қилиш ва уларни муҳофаза этишни таъминлаш, давлат сув кадастри ва сув мониторингини юритиш; йирик авариялар, фалокатлар, экология танглиги ва сувларнинг зарарли таъсири олдини олиш ҳамда уларга барҳам бериш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш; сув ресурсларидан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш, сув объектларини булғатганлик ва қуришиб қўйганлик учун ҳақ ундириш тартибини белгилаш; давлатлараро муносабатларни ривожлантириш; қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш.

“Ўрмон тўғрисида”ги қонуннинг 10-моддасида ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ўрмонга оид муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги қуйидаги ваколатлари кўзда тутилган: ўрмонларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича ягона давлат сиёсатини амалга ошириш; давлат ўрмон фондини тасарруф этиш; ўрмонларнинг қўриқланиш тоифаларини аниқлаш тартибини белгилаш; ўрмондан фойдаланганлик учун ҳақ ундириш тартиби ва миқдорларини белгилаш; ўрмонларни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, улардан фойдаланиш ва уларни такрорий кўпайтириш устидан давлат назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш; ўрмонларнинг давлат ҳисобини ва давлат ўрмон кадастрини юритиш тартибини белгилаш; ўз ваколат доирасига кирувчи бошқа масалаларни ҳал қилиш.

Ўзбекистон Республикасининг табиатни муҳофаза қилиш сиёсатини юритишда жойлардаги маҳаллий ижроия ҳокимият органлари (ҳокимият) муҳим рол ўйнайди. Улар ўзларига тегишли ҳудудда табиатни муҳофаза қилиш фаолияти соҳасида узлуксиз, тезкор бошқарувни амалга оширадilar. Шу мақсадда ҳокимиятлар муайян ваколатларга эга. Улар Кенгаш сессияларида ҳал этиладиган масалаларни истисно этганда, ўз ҳудудлари доирасидаги барча масалаларни ҳал қиладilar.

Ҳоким жойдаги ижро ҳокимияти бошлиғи сифатида атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалалари кўриб чиқиладиган Кенгаш сессияларини чақиради, уларнинг тайёргарлигини таъминлайди, Кенгашнинг табиатни муҳофаза қилиш соҳасида муҳим масалалари юзасидан қарорлар лойиҳасини дастлабки муҳокамасини ташкиллаштиради; Кенгашнинг доимий комиссияларининг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради; депутатларга уларнинг фаолиятини амалга оширишлари учун ёрдам беради; ҳудудни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш бўйича жорий ва истиқболли дастур ва режаларни ишлаб чиқади ҳамда халқ депутатлари кенгаши муҳокамасига киритади¹.

Хусусан, Ер кодексига мувофиқ, ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида қуйидагилар вилоятлар, Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органларининг ваколатларига киради: тупроқ унумдорлигини ошириш, ерлардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш бўйича ҳудудий дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; ер ресурсларидан белгиланган мақсадда, оқилона ва самарали фойдаланиш, ерларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш; ер тузишни, ер мониторинги ўтказилишини ва давлат ер кадастри юритилишини ташкил этиш; юридик шахсларга қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари ҳамда бошқа давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага ер бериш; ўлчамидан қатъи назар барча ерларни олиб қўйиш, алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган ерлар, алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар эгаллаган ерлар, шаҳар атрофи ерлари ва шаҳарларнинг яшил зоналари ерлари, илмий-тадқиқот ташкилотлари ва ўқув юртларининг тажриба майдонлари, ўрмон ўсимликлари билан қопланган ерлар бундан мустасно; дипломатия ваколатхоналари ҳамда уларга тенглаштирилган,

¹ Жураев Ю.А. Право и управление в области использования и охраны природной среды Республики Узбекистана: Автореф. дисс. ... д-ра юрид. наук. – М.: Инс. гос. и право РАН, 1996. – С. 46.

Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган халқаро ташкилотларга мазкур ваколатхоналарнинг биноларини, шу жумладан ваколатхона бошлиғи қароргоҳини қуриш учун ер участкаларини мулк этиб реализация қилиш; ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқларини ҳамда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини белгиланган тартибда Ер кодексининг 36-моддасига мувофиқ бекор қилиш; ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида вилоятлар, Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органларининг ваколатларига кирадиган бошқа масалаларни ҳал қилиш (5-модда).

“Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунда (7-модда) маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг сувга доир муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари сифатида қуйидагилар кўрсатилган: ўз ҳудудидаги сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг асосий йўналишларини белгилаш; сув ресурсларидан фойдаланишни тартибга солиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасида қонунийлик ҳамда ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш; сув объектлари ҳолатини ҳисобга олиб бориш ва уларга баҳо бериш, сувлардан фойдаланилиши ва уларнинг муҳофаза қилиниши, белгиланган сув олиш лимитларига риоя этилиши, сувдан фойдаланувчиларнинг сувдан фойдаланиш ҳисобини юритишлари устидан назорат қилиб бориш; сув объектларини сақлаш ва уларнинг ҳолатини яхшилаш, сувларнинг зарарли таъсир кўрсатишини, шунингдек булғанишини олдини олиш ва уни бартараф этиш ҳамда авариялар, тошқин, сел ва табиий офатлар натижасида вайрон бўлган объектларни тиклаш юзасидан тадбирлар ўтказиш; қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа масалаларни тартибга солиш.

“Ўрмон тўғрисида”ги қонуннинг 11-моддасида ҳам, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўрмонга оид муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги қуйидаги ваколатлари белгиланган: давлат ўрмон хўжалиги органлари билан келишган ҳолда юридик ва жисмоний шахсларга давлат

ўрмон фонди участкаларини бериш, давлат қўриқхоналарининг ўрмонлари ҳамда давлат миллий табиий боғларининг қўриқхона минтақалари бундан мустасно; ўрмонларнинг давлат ҳисоби ва давлат ўрмон кадастри юритилишини таъминлаш; ўрмонларни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, улардан фойдаланиш ва уларни такрорий кўпайтириш устидан давлат назоратини амалга ошириш; ўрмонлар ҳолатига зарар етказган ҳолларда корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар фаолиятини чеклаш, тўхтатиб қўйиш ва тугатиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш. Тадбиркорлик субъекти фаолиятини чеклаш, тўхтатиб қўйиш (фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва саломатлиги учун бошқа реал хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ ҳолда ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга чеклаш, тўхтатиб қўйиш ҳоллари бундан мустасно) ёки тугатиш суд тартибида амалга оширилади; ўрмонларда мол боқиш ҳамда ёғочга тааллуқли бўлмаган ресурслардан фойдаланишнинг бошқа турлари нормаларини давлат ўрмон хўжалиги органлари билан биргаликда белгилаш ва тартибга солиш; ўрмонларни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, улардан фойдаланиш ва уларни такрорий кўпайтириш борасида аҳолининг маърифатли бўлишини ташкил этиш; ўз ваколат доирасига кирувчи бошқа масалаларни ҳал қилиш.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини такомиллаштириш мақсадида ҳудудларни барқарор ривожлантириш учун ҳудудларнинг узок муддатли “Экологик хавфсизлик концепцияси”ни ишлаб чиқиш ва амалга татбиқ этиш лозим. Шунингдек, вилоятлараро ва туманлараро биргаликда фойдаланиладиган табиий ресурслардан унумли фойдаланиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш зарур.

Мухтасар айтганда, табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида умумий ваколатли давлат бошқарув органлари давлат ва жамият ҳаётининг бошқа жабҳаларида фаолият кўрсатиши баробарида табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида ҳам ҳуқуқ

иждокорлиги, фармойиш бериш ва ижро этиш каби муҳим функцияларни бажарадилар.

2.2. Табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида махсус ваколатли давлат бошқарув органлари тизими ва функциялари

Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлашда махсус ваколатли давлат органларининг экологик функцияси тизими алоҳида аҳамиятга эга.

М.Нажимов ёзишича, “Кейинги ўн йил ичида давлатнинг асосий функцияси қаторига атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш функцияси ҳам қўшилган. Атроф табиий муҳитга нисбатан экстенсив ишлаб чиқариш инсон ва унинг соғлиғига нисбатан ҳам агрессив ҳолатни келтирди. Шу боис давлат ўзининг махсус ваколатли органлари орқали шуғилланишга мажбур бўлмоқда”¹.

Табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида махсус ваколатли давлат органлари нисбатан мураккаб тизимга эга бўлиб, айнан шу соҳада фаолият юритиш мақсадида, шу соҳада давлат сиёсатини юритишни таъминлаш учун ташкил этилган бўлади². Улар тизимида Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони, қарори ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида махсус ваколатга эга бўлган давлат муассасалари ва уларнинг жойлардаги бўлинмалари етакчилик қилади.

В.В.Петров табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида махсус ваколатли давлат органларини ҳажми ва уларга берилган махсус ваколатдан келиб чиққан ҳолда уч гуруҳга бўлишни таклиф қилади: комплекс, тармоқ ва функционал³. Бунда муаллиф таклиф этган таснифдан

¹ Нажимов М.К. Давлатнинг экологик функцияси. – Тошкент: ТДЮИ, 2002. – Б. 11.

² Социально-правовые механизмы природопользования: Аналитический обзор / Ю.Г.Марков, В.Н.Турченко, Е.А.Чиркин, С.А.Юрков. – Новосибирск, 1995. – С. 14-15.

³ Петров В.В. Экологическое право России. Учебник для вузов. – М.: БЕК, 1995. – С. 96.

фойдаланган ҳолда комплекс бошқарув органларига барча табиатни муҳофаза қилиш функциясини бажарувчи органларни (Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Геология ва минерал ресурслар қўмитаси); тармоқ бошқарув органларига, алоҳида табиий ресурсларни бошқаришга қаратилган органларни (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси); функционал органларга барча табиий объектларга нисбатан бир ёки бир неча турдош функцияларни бажарувчи органларни (Божхона қўмитаси, ИИВ, Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси) киритишимиз мумкин.

Табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида махсус ваколатли давлат органларининг ваколатларидан келиб чиқадиган функцияси қўйидагилардан иборат: 1) табиий ресурсларнинг ҳисобини юритиш; 2) табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни режалаштириш; 3) ушбу соҳада норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар чиқариш ва уларни қўллаш; 4) ташкилий ишларни олиб бориш; 5) давлат экология назоратини амалга ошириш; 6) экология қонунчилигини бажарилишини текшириш ва бошқалар.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида махсус ваколатни амалга оширувчи давлат органларининг функцияси ҳам ички ва ташқи функцияга ажратилган. Яъни табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги махсус давлат органлари чет эл билан табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш бўйича тажирибалар, кадрлар малакасини ошириш соҳасида алоқа ўрнатиши мумкин, бу ташқи функцияга мисол бўла олади. Шунингдек, махсус ваколатли давлат органлари табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш бўйича республика миқёсида норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан маълум бир муносабатларни тартибга солса ва унинг устидан

назоратни амалга ошириб турса бу махсус ваколатли давлат органларининг ички функциясига мисол бўла олади.

Атроф муҳит табиий ресурсларни муҳофаза қилишни ҳуқуқий механизмини икки жиҳати мавжуд – статистик ва динамик. Сўнгги ҳолат ҳуқуқ нормаларини реализация қилиш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Динамик механизм давлат органларини фаолияти ва назоратидан тузилган. Ҳозирги вақтда алоҳида аҳамиятга эга бўлган икки жиҳатга тўхталамиз. Бу биринчидан, атроф-муҳит воситаларини муҳофаза қилиш доирасида махсус ваколатли давлат органларининг ягона тизими ва иккинчидан, экологияни муҳофаза қилиш фаолиятида давлат назоратининг таъсиридир.

Экологик муносабатларни тартибга солишда давлат бошқарув органлари бошқариш услубларини, яъни ижтимоий муносабатлар субъектларига давлат таъсир кўрсатиш усулларини қўллайдилар. Улар таркибига рухсат бериш, ман қилиш, розилик бериш, мажбурий кўрсатмалар бериш киради. Давлат бошқарувининг рухсат бериш услуби асосан табиий ресурслардан фойдаланишни ташкил этишда қўлланилади. Табиий ресурслардан махсус фойдаланиш фақат ваколатли давлат органларининг рухсати асосида вужудга келади. Розилик бериш услуби деб давлат органларининг фойдаланувчилар тамонидан тайёрлаган меъёрларни ҳамда фойдаланишга оид бошқа қоида ва тартибларни тасдиқлаши ва розилик бериши тушунилади. Табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида бошқарувни тақиқлаш услуби атроф-муҳитни муҳофаза қилишни ташкил этишда кенг қўлланилади ва табиий ресурслардан фойдаланиш ёки табиий ҳудудларда маълум бир фаолиятни амалга оширишни тақиқлаш орқали ман этишда ифодаланади.

Махсус ваколатли давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари табиатни муҳофаза қилиш, ер, сув, ер ости бойликлари, ўрмон ва ҳайвонат дунёсидан оқилона фойдаланиш юзасидан амалга оширилаётган тадбирларни бажариш уларнинг асосий вазифаси ва функцияси бўлиб ҳисобланади.

Махсус ваколатли давлат органларининг экологик функциясининг шакли сифатида экологик мониторинг, экологик назорат ва экологик экспертизанинг амалга оширилишини тушуниш даркор¹.

Махсус ваколатли давлат органларининг экологик функциясининг муҳим элементи сифатида атроф муҳит мониторингини кўрсатиб ўтиш мумкин. Маълумки, мониторинг деганда, бирорта объект устидан назорат олиб бориш ҳамда шу объект тўғрисида ахборот тўплаш тизими. Жумладан, ер мониторинги ер фондидаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, ерларга баҳо бериш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини тугатиш мақсадида унинг ҳолатини кузатиб бориш тизимидан иборат. Атмосфера ҳавосининг ҳолатини кузатиш, у ҳақдаги ахборотни тўплаш, умумлаштириш, таҳлил этиш ва истиқболни белгилаш атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги ягона тизими бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Ер қаъри мониторинги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаб баҳолаш, салбий жараёнлар олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш учун ер қаъри ҳолатини кузатиб бориш тизимидан иборат.

Махсус ваколатли давлат органларининг экологик функциясини амалга оширилишида экологик назорат ҳам муҳим ўрин тутди. Экологик назорат махсус ваколатли давлат органларининг экологик функциясининг муҳим элементи сифатида номоён бўлади. Экологик-ҳуқуқий механизмнинг ушбу функцияси табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф-табиий муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги махсус давлат бошқарувини амалга оширишнинг зарурий элементи сифатида юзага келади. Экологик назорат табиатдан фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги давлат бошқарувининг қонунийликни таъминлаш усулидир.

Экологик назорат деганда, давлат органларининг ишлаб чиқариш ва бошқа фаолият таъсирида бўлган атроф-табиий муҳит ва унинг алоҳида

¹ Тўраев Ш.Р. Экологик сиёсат: унинг шаклланишида халқаро-ҳуқуқий тамойилларнинг аҳамияти. Ҳаёт ва қонун. –2002. –№5. –Б 76.

объектларнинг ҳолатини, барча юридик ва жисмоний шахсларнинг атроф табиий муҳит муҳофазаси ва экологик хавфсизликни таъминлаш борасидаги талабларни бажаришларини кузатиб бориш, экологик қонунчилик нормалари ва талаблари бузилишининг сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш, шунингдек, уларни бартараф этиш чораларини кўриш борасидаги фаолияти тушунилади¹.

Махсус ваколатли давлат органларининг экологик функциясини амалга оширишда экологик экспертиза ҳам алоҳида аҳамият касб этади. У атроф муҳит муҳофазасини назорат қилишга қаратилган фаолиятдир². Экспертиза дегани бу аслида латинча “expertus” – бирор нарсани “махсус мутахассис” (эксперт) томонидан текширилиши маъносини англатади³. Бунинг учун ундан фан, техника, ҳуқуқшунослик соҳаларида махсус билим талаб қилинади. Ўзбекистон Республикасининг “Экологик экспертиза тўғрисида”ги⁴ қонуни 2000 йил 5 майда қабул қилинган ва унга кўра қуйидагилар тартибга солинди. Жумладан, экологик экспертиза тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, экологик экспертиза мақсадлари, экологик экспертиза турлари, экологик экспертизанинг асосий принциплари, экологик экспертизанинг ошкоралиги, экологик экспертиза экспертнинг мустақиллиги, экологик экспертиза буюртмачисининг ҳуқуқлари, экологик экспертиза буюртмачисининг мажбуриятлари, экологик экспертизани молиялаш, давлат экологик экспертизаси объекталари тартибга солинган.

Махсус ваколатли давлат органлари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисоб беради. Махсус ваколатли давлат органлари ер, ер ости, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, сув ва ўрмон хўжалиги соҳасидаги ишларни мувофиқлаштиради, ўзига юкланган вазифалар ва

¹ Нажимов М. Экологик назорат // Ҳаёт ва қонун. – Тошкент, 2003. – №2. – Б.69.

² Нуридуллаев А. Экологик экспертизанинг ҳуқуқий тавсифи ва юридик табиати // ТДЮИ Ахборотномаси. – Тошкент, 2009. – №1.; Нуридуллаев А. Экологик экспертиза тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун маъмурий жавобгарликни такомиллаштириш масалалари // ТДЮИ Ахборотномаси. – Тошкент, 2010. – №2.

³ Ерофеев Б.В. Экологическое право России. Учебник. – М.: Юристъ, 1996. – С. 258.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари тўплами. – Тошкент: Адолат, 2001. 23-сон.

функцияларни бевосита, шунингдек ўз тасарруфидаги республика органлари ва ҳудудий органлар орқали ҳал этади. Махсус ваколатли давлат органлари юридик шахс ҳисобланадилар, Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрларга, банк муассасаларида ҳисоб рақамларига эга бўладилар.

Умуман олганда, ўз фаолиятдан келиб чиққан ҳолда махсус ваколатли давлат органлари қуйидаги функцияларни амалга оширади: ер, ер ости, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, сув ва ўрмон хўжалиги соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, уларни рўёбга чиқариш стратегияси ва механизмлари бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритади; ер, ер ости, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, сув ва ўрмон хўжалигини ривожлантиришнинг тармоқ ва минтақавий дастурларини ишлаб чиқади; ер, ер ости, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, сув ва ўрмон хўжалиги соҳасида зарур ахборот юритади; ер, ер ости, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, сув ва ўрмон хўжалигига ташқи ва ички инвестицияларни жалб этишда иштирок этади, бюджет маблағларидан оқилона ва мақсадли фойдаланилишини таъминлайди; ер, ер ости, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, сув ва ўрмон хўжалиги соҳасида корхоналарининг ишлаб чиқариш ва молиявий-иқтисодий фаолиятини амалга ошириш бўйича методик тавсияларни ишлаб чиқади; ер, ер ости, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, сув ва ўрмон хўжалиги соҳасидаги ишини мувофиқлаштиради; тармоқларда ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш ва меҳнатни ташкил этиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритади; давлат карантин қоидалари бажарилишини, эпидемиологияга қарши тадбирлар ўтказилиши ва чорва моллари, паррандалар ва балиқларни касалликлардан ҳимоя қилиш қоидаларига риоя қилилишини белгиланган тартибда назорат қилади; селекция-наслчилик ишларининг асосий йўналишларини белгилайди ва амалга оширилишини мувофиқлаштиради; сув ресурслари балансини ишлаб чиқади, сув манбалари, ҳавза ирригация тизимлари, иқтисодиёт тармоқлари, ҳудудлар

бўйича сув олиш лимитларини белгилайди; сувдан лимит бўйича фойдаланиш тартиби амалга оширилишини таъминлайди; сувдан фойдаланувчилар уюшмалари ва бошқа бирлашмаларини ташкил этиш ва ривожлантиришда методик ва амалий ёрдам кўрсатади; ҳавза принципи асосида ер усти сув ресурслари бошқарилишини амалга оширади; сув ресурсларидан фойдаланишда ўзаро муносабатларнинг бозор принципларини ва иқтисодий механизмларини ишлаб чиқади ва жорий этади; ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ерларни ўзлаштириш дастурларини ишлаб чиқади; магистрал, хўжаликлараро каналлар ва коллекторлар, сув омборлари, насос станциялари, гидротехника иншоотлари ва бошқа сув хўжалиги объектларидан фойдаланилишини ташкил этади; гидромелиорация тизимларидан техник фойдаланиш, уларни реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларини мувофиқлаштиради; ер, ер ости, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, сув ресурслари ҳисобини олиб боради ва улардан фойдаланилишини назорат қилади, давлат кадастрдарини юритишда қатнашадилар; суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати, суғориш ва коллектор-дренаж сувлари сифати устидан мониторингни амалга оширади; ер, ер ости, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, сув ресурсларидан комплекс фойдаланишнинг истиқболли схемаларини ишлаб чиқади; ер, ер ости, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, сув, трансчегара сув ресурслари ва объектларини бошқариш ва улардан фойдаланиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритади; барча табиий ресурсларни бошқариш, улардан фойдаланиш, уларни қайта тиклаш, муҳофаза қилиш ва қўриқлашни, давлат кадастрларини юритишни амалга оширади ҳамда қўриқхона ишларини ташкил этишда қатнашади; табиий ресурслар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишига доир норматив-техник ҳужжатлар бажарилиши устидан идоравий назоратни амалга оширади; ер ости, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, сув ва ўрмон хўжалиги соҳасида халқаро ҳамкорлик қилишнинг устувор йўналишлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритади; республика ўқув

юртларида ва илмий муассасаларида, шунингдек хорижда ширкат ва фермер хўжаликлари раҳбарлари ва мутахассислари малакаси оширилишини ва тажриба алмашувини ташкил этади; ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ирригацияни ривожлантириш ва ерлар унумдорлигини ошириш; қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва кимёлаштириш муаммолари бўйича Кенгашлар фаолиятини самарали ташкил этиш учун зарур шарт-шароитлар яратади.

Табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органларига қўйидагиларни киритиш мумкин: а) Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси; б) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги; в) Ўзбекистон Республикасининг ер ресурслари, геодезия, катография ва давлат кадастри бўйича давлат қўмитаси; г) Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси

Табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида махсус ваколатли давлат бошқарув органлари тизимида Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси алоҳида аҳамият касб этади. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 26 апрелдаги Қарори билан тасдиқланган Низомига мувофиқ “табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш соҳасида давлат назоратини ҳамда тармоқлараро бошқарувни амалга оширувчи, идоралардан устун турувчи ва мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли органдир”.

Табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи бўлган Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тарихига назар соладиган бўлсак, бу қўмита 1988 йил апрел ойида ташкил этилганилигини гувоҳи бўламиз. Ўтган асрнинг 80-йилларида Ўзбекистонда экологик муоммолар (Орол фожияси, ер ва сув ресурсларининг

камайиши ва ҳ.к.) шу даражада ўткирлашиб кетдики, республика ҳукумати янги давлат структурасини – Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасини ташкил қилди¹.

“Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ҳуқуқий ҳолатини янада мустаҳкамлади ҳамда қўмитанинг тўғридан-тўғри Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига бўйсунилишини белгилаб берди. Республикадаги ўзгариб бораётган экологик ҳолатни ва табиатни муҳофаза қилиш хизматига қўйилаётган талабни ўсиб боришини ҳисобга олиб Олий Мажлис 1996 йили 26 апрелда “Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси тўғрисида Низом”нинг янги таҳририни қабул қилди². Бизнингча, “Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисида Низом”нинг 1-бандидаги “Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш соҳасида давлат назоратини ҳамда тармоқлараро бошқарувни амалга оширувчи, идоралардан устун турувчи ва мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли органдир” деган таъриф қўмита фаолиятини тўла қамраб олмайди. Чунки, қўмита нафақат табиатни муҳофаза қилади, балки табиатга етказилган салбий таъсирнинг оғир оқибатларидан инсон ҳаёти ва унинг соғлиғини муҳофазалаш билан ҳам шуғулланади. Бу эса “атроф муҳитни муҳофаза қилиш” тушунчасида жамланади. Қолаверса, “табиий ресурсларни қайта тиклаш” тушунчасини “табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш” тушунчаси қамраб олади. Юқоридагиларни ҳисобга олиб, низомнинг биринчи бандини қуйидагича таҳрирда баён этишни таклиф этамиз: “Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш

¹ Интернет саҳифаси: www.uznature.uz./index.php?id=about&lang=ru

² Ушбу Низомга қуйидагиларга кўра ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган: ЎзР Қонуни 26.05.2000 г. N 82-II, Ўз ОМ Қарори 07.12.2001 г. N 322-II, ЎзР Қонуни 31.08.2000 г. N 125-II, ЎзР Қонуни 30.08.2002 г. N 405-II, ЎзР Қонуни 30.08.2003 г. N 535-II, ЎзР Қонуни 18.12.2007 г. N ЗРУ-133.

соҳасида тармоқлараро давлат бошқарувини ҳамда назоратини амалга оширувчи, давлат органларини атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланишни бошқаришга доир фаолиятларини мувофиқлаштирувчи ва улардан устун турувчи махсус ваколатли органдир”.

Қонун ҳужжатларида белгиланган Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасининг Олий Мажлис Сенатига бўйсунishi ва унга ҳисобдорлиги, уни раиси Сенат томонидан тайинланиши ва вазифасидан озод қилиниши, Низомини Сенат томонидан тасдиқланиши давлатнинг ижро ҳокимияти таркибидаги бошқарув органи бўлган Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасини ҳуқуқий ҳолатини ўзига хос хусусиятларини билдиради. Қўмитанинг ҳуқуқий ҳолатидаги бу ўзига хослик Республикамизда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалаларини идоравий манфаатлардан устунлигини таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг, Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекциясининг атроф табиий муҳитни муҳофаза этиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш устидан назорат қилиш борасидаги фаолиятларини, шунингдек бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг табиатни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятларини мувофиқлаштириб боради.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳам махсус ваколатли давлат органлари тизимида алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида махсус давлат бошқарув органи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ўз фаолиятини Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 июн қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳақида”ги Низом асосида олиб боради¹.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятининг асосий йўналишлари қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган комплекс дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; мулк муносабатларини такомиллаштириш, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, меҳнатни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш; қишлоқ хўжалик ширкат хўжалиги, деҳқон, фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш – хўжалик фаолияти учун зарур шарт-шароит яратиш; юқори сифатли технология ва бошқа инвестиция воситаларини қишлоқ хўжалигига жалб қилиш, аграр соҳадаги илмий-техникавий ютуқларни ва жаҳон тажрибасини жорий этиш; қишлоқ хўжалигида ер, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан оқилона фойдаланишни ташкил этиш, уларни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш кабиларни ўз ичига олади².

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ижроия ҳокимиятининг органи бўлиб, у қишлоқ хўжалигида, шу жумладан ўрмон хўжалигида, сувдан фойдаланишда давлат сиёсатини юритади. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги йўналишли-функционал тамойил асосида тузилган уч бўғинли тузилмадир. У йўналиш раҳбарларига эга бўлган функционал тузилмавий бўлинмаларни ўзида мужассам этади. Йўналиш раҳбарлари қишлоқ ва сув хўжалиги вазирига бўйсунди.

Табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарувини амалга оширишда Ер ресурслари, геодезия, картография ва

¹ “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида”ги қарор. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами 2003. 98-модда.

² Раҳмонкулов Ҳ.Р. ва бош. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи. – Тошкент: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2000. – Б.30.

давлат кадастри Давлат қўмитасининг ўрни ҳам ўзига хос. Ушбу орган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги ПФ-3358-сон “Республика давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги¹ фармониغا асосан Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри бўйича давлат қўмитаси сифатида эътироф этилди. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июлдаги 314-сонли қарори билан “Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри бўйича давлат қўмитаси ҳақида”ги Низом қабул қилинган.

Ер ресурсларини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш бўйича тузилган қуйидаги дастурлар муҳим ўрин тутди: 2003-2010 йилларда Ўзбекистон республикаси ер ва сув ресурсларидан тежаб ва самарали фойдаланиш дастури; 2010 йилгача бўлган даврда ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастури; биохилма-хилликни сақлаш, қурғоқчилик ва чулланишга қарши кураш миллий ҳаракат режаси; 2003-2005 йилларга инвестицион дастурлар; 2003-2007 йилларда Қорақолпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг устувор дастури; Орол денгизи ҳавзасида кризс оқибатларини юмшатишда Марказий Осиё давлатлари ҳамкорлигини минтқавий дастури.

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри бўйича давлат қўмитаси табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини қуйидаги асосий йўналишларда олиб боради: қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерни муҳофаза қилиш, ундан оқилона фойдаланиш соҳасида ягона давлат сиёсатини юргизиш; ер қонунчилигида белгиланган тупроқ унумдорлигини ошириш, ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш юзасидан чора-тадбирларнинг барча вазирлик, идоралар ва жисмоний шахслар томонидан амалга оширилишини назорат қилиш; ер тузиш, ердан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни ташкил этиш, ер ресурслари ҳисобини юритиш ва баҳолаш, экологик муҳит

¹ Ўзбекистон Республикаси қонунлари тўплами. 2003 й. 11-12-сон.

ва табиий ландшафтларни яхшилаш билан боғлиқ комплекс чоратadbирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг ҳолатига таъсир кўрсатувчи омилларни кузатиш мақсадида ер мониторингини олиб бориш; давлат ер кадастрини юритиш ва ташкил этиш, ер учун тўланадиган ҳақ миқдорини асослаш, хўжалик фаолиятига баҳо бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимият органлари, юридик ва жисмоний шахсларни ер тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлаш ва бошқалар.

Келгусида ерлардан оқилона ва самарали фойдаланишни ташкил этиш, ижро интизомини мустаҳкамлаш, ер ислохатларини жойларда тўлақонли амалга ошириш учун қуйидаги долзарб масалаларни ҳал қилиш мақсадга мувофиқдир: а) фермер хўжаликлари сонини кескин ошириш ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер ижарачилари ва ер мулкдорларининг кўпайиши муносабати билан, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри бўйича давлат қўмитаси тизимининг структурасини, айниқса туман тизимини такомиллаштириш; б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги¹ 2003 йил 27 октябр ПФ 3342-сонли фармонининг 4-бандига асосан ижарага берилган Қишлоқ хўжалиги ерларидан шартномада назарда тутилган экинларни экмай бошқа мақсадларда фойдаланиб ижара шартномасини қўпол равишда бузаётганини ҳисобга олиб, шундай ҳолатни аниқлаган тақдирда Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри бўйича давлат қўмитаси органларига Назорат қилувчи органларга фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши рухсатсиз ўлчовидан ўтказишга рухсат бериш тартибини жорий этиш; Ўзбекистон Республикаси Ер ресурсларини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланишда хорижий давлатларнинг самарали ютуқларидан фойдаланишда соҳа ходимларини четга тажриба алмашишга юбориш лозим.

¹ Халқ сўзи. 2003 йил 28 октябр №220. 1-2бет.

Табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарувини амалга оширувчи органлардан яна бири бўлган Саноатда ва кончиликда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча юридик ва жисмоний шахсларнинг саноатда ишларни беҳатар олиб бориш, ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга доир қонун ҳужжатлари ва меъёрий-техник ҳужжатлар талабларига риоя ҳилишлари устидан назоратни амалга оширувчи махсус давлат органи ҳисобланади¹.

Саноатда ва кончиликда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекциясининг² хавфсизлик техникаси, назорат остидаги объектларнинг техник хавфсизлиги, шунингдек, ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ўз ваколати доирасида қабул қилган қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, мулкчилик шаклларида қатъи назар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

Инспекция ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва давлат бошқарувининг бошқа органлари билан мувофиқлаштиради, халқаро битимлар асосида бошқа давлатларнинг давлат назорат органлари билан ҳамкорлик қилади.

Инспекция республика давлат органлари билан биргаликда, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси билан

¹ Вазирлар Маъкамасининг қарорига мувофиқ қабул қилинган “Саноатда ва кончиликда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш инспекцияси тўғрисида” низом. Низомга қуйидагиларга мувофиқ ўзгартиришлар киритилган ЎЗР ВМ 06.04.2001 й. 162-сон қарори ЎЗР ВМ 25.04.2002 й. 141-сон қарори ЎЗР ВМ 09.12.2003 й. 150-сон қарори.

² Кейинги ўринларда давлат инспекция деб аталади.

келишган ҳолда, ишларни бажарувчиларнинг хавфсизлик техникаси ва назорат остидаги эҳтимол тутилган хавфли ишлаб чиқаришларнинг, юқори даражада хатарли объектларнинг хавфсизлик техникаси, саноат йўли билан ва тажриба-саноат жиҳатдан ишлашга, минерал хом ашёни қайта ишлашга ва металлургия жиҳатдан саралаш берилган конларда ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, шунингдек, уларнинг бажарилишини давлат йўли билан назорат қилиш бўйича меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини ташкил этади.

Инспекция асосий вазифаларига, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча юридик ва жисмоний шахсларнинг саноатда ишларни бехатар олиб боришга, ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга ва минерал хом ашёни металлургия жиҳатдан саралашга оид қонун ҳужжатлари устидан давлат назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш, кон ишларини геология-маркшейдерлик хизмати билан таъминлаш;

Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, махсус ваколатли давлат органларининг экологик функцияси ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, биринчидан, ихтисослашган органлар томонидан амалга оширилишига асосланади, иккинчидан табиатни муҳофаза қилишда жамиятда ўрнатилган ташкилий ҳуқуқий шакл, услуб ва қоидалар орқали амалга оширилади ва учинчидан, табиат қонуниятлари билан жамият қонун қоидалари мувофиқлаштирилади.

2.3. Табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарувини амалга оширишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ўрни ва аҳамияти

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг экологик вазифаси деб ушбу органлар олдида турган ва атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилган ҳамда бир маротаба бажариш назарда тутилган фаолиятга айтилади. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш

органларининг экологик функцияси деб эса улар олдида турган ва атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга, экологик қонун талабларини амалга оширишга қаратилган ҳамда доимий такрорланиб турадиган экологик вазифалари йиғиндисига айтилади.

А.А.Примаченок табиат бойликларини ифлосланишдан сақлашда маълум давлат органлари билан ҳамкорлик қилишни, браконьерликка ҳамда ов қилиш ва балиқ овлаш қоидаларининг бузилишига қарши курашда бошқа органлар билан ҳамкорлик қилишни, шаҳар ҳудудлари, меҳнаткашларнинг шаҳардан ташқаридаги дам олиш жойлари ва пляжларнинг санитария қоидаларига риоя қилган ҳолда сақланишини назорат қилишни, ички ишлар органларининг табиатни муҳофаза қилиш борасидаги фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари сирасига киритади¹.

В.В.Меркуловнинг фикрича, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг табиатни муҳофаза қилиш борасидаги фаолияти ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, табиатни муҳофаза қилиш борасидаги тадбирларни мувофиқлаштириб бориш ҳамда табиатга зарар етказадиган хатти-ҳаракатларнинг пайини қирқиш кўринишида бўлади². Бизнингча, олдини олиш ва мувофиқлаштириш соф ташкилий шакллардир, экологик ҳуқуқбузарликларнинг пайини қирқиш эса назорат олиб бориш сингари ташкилий-ҳуқуқий шаклларга киради.

В.В.Петровнинг таъкидлашича, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари экологик функцияни тўрт хил кўринишда амалга оширадилар: муҳофаза-ҳамкорлик, муҳофаза-назорат, муҳофаза-шартномавий ва регулятив³.

¹ Примаченок А. А. Деятельность органов внутренних дел Белоруссии по предупреждению и пресечению преступлений против социалистического порядка природопользования (уголовно-правовые вопросы). – Минск, 1983. – С. 13.

² Меркулов В. В. Законодательные основы природоохранительной деятельности органов МВД СССР – Рязань, 1983. – С. 17.

³ Петров В. В. Экологическое право России. – М., 1995. – Б. 377.

Юқорида кўрсатиб ўтилган нуқтаи назарларни таҳлил қилиш натижасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг табиатни муҳофаза қилиш борасидаги фаолиятининг асосий ташкилий-ҳуқуқий шакллари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: экологик назорат; экологик ҳуқуқбузариклар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш; табиатни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлик; муҳофазанинг шартномавий шаклидан иборат бўлган фаолият.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари амалга оширадиган экологик назорат табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари амалга оширадиган назоратдан тубдан фарқ қилади. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси учун экологик назорат асосий функциядир, ички ишлар органлари учун эса бошқа функциялар устунлик қилади. Бундан ташқари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг экологик назорат соҳасидаги имкониятлари анча чекланган. Биринчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари атроф табиий муҳит муҳофазаси соҳасидаги назоратни фақат таъминлаб берадилар, яъни уни амалда бажарса бўладиган, имкони бор фаолиятга айлантирадилар, уни бажариш йўлидаги тўсиқларни олиб ташлайдилар. Бу эса назоратни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ўзлари ўтказишини англатади. Улар табиатни муҳофаза қилиш органлари назорат функцияларининг нормал бажарилишини кафолатлайдиган чораларни кўрадилар. Иккинчидан, шундай ҳамкорлик ҳам аҳён-аҳёнда амалга оширилади. Учинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари экологик назоратни амалга оширадиган табиат объектларининг доираси тор бўлади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш борасида, шунингдек санитария ва ветеринария қоидаларига риоя қилиниши устидан ҳам назорат олиб борадилар. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ушбу соҳадаги назорати ҳуқуқий ҳамда ташкилий шаклларда намоён бўлади.

Қандайдир ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқарадиган назорат ҳаракатлари экологик ҳуқуқбузарликни топиш ва уни қайд қилишдан иборат. Шу аснода маълумотнома (баённома) тузилади, ҳуқуқбузарликнинг оқибатлари, ҳуқуқбузарнинг шахси аниқланади, ноқонуний тарзда қўлга киритилган маҳсулот, ҳуқуқбузар ишлатган ноқонуний қурол-аслаҳалар ҳамда воситалар олиб қўйилади, жавобгарликка тортилади. Юридик аҳамиятга эга бўлмаган амалий хатти-ҳаракатларга турли рейдлар, қўриқлаш хизмати, турли постлар ташкил этиш ва бошқалар киради.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари атроф табиий муҳит муҳофазаси соҳасидаги назоратни, қоида бўйича, табиатни муҳофаза қилувчи органларни жалб этган ҳолда амалга оширадилар. Шу йўл билан ўтказилаётган тадбирларнинг самарали бўлишига эришилади, чунки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ов қилиш, балиқ овлаш ҳамда ўрмондан фойдаланиш қоидаларини бузган шахсларга жарима солиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Шу ўринда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган назорат прокурор назоратидан фарқ қилишини таъкидлаб ўтиш лозим. Биринчидан, прокуратура назоратига олинадиган субъектларга, қоида бўйича, корхона, муассаса ва ташкилотлар, шунингдек, мансабдор шахслар киради, ички ички ишлар органлари эса ўз назоратларини жисмоний шахсларга, масалан, браконьерлик билан шуғулланадиган оддий фуқароларга нисбатан амалга оширадилар. Иккинчидан, прокуратура органлари ИИБ органларининг назоратига хос бўлган постлар қўйиш, патруллик қилиш, рейдлар ўтказиш каби ташкилий шаклларни камдан-кам ишлатадилар. Ўзлари эса, албатта, экологик ҳуқуқбузарликлар содир этиладиган жойларда текшириш органлари билан биргаликка қўшма текширувларда иштирок этадилар. Учинчидан, прокуратура ҳамда ички ишлар органлари томонидан экологик назорат пайтида ҳуқуқбузарларга нисбатан қўлланиладиган ташкилий-ҳуқуқий воситалар ҳам турличадир. Прокуратура органлари қуролларни, ноқонуний

равишда қўлга киритилган ўлжаларни, ов қилиш ва балиқ овлаш қуролларини олиб қўйишга ҳақли эмасдирлар. Бу ишларни ички ишлар органларининг ходимлари амалга оширадилар.

Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишдаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари иштирокининг яна бир шакли табиатни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлик қилишдир. Бундай ҳамкорлик деганда, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан табиатни муҳофаза қилиш органларининг тегишли мансабдор шахслари ўз хизмат вазифаларини бажаришлари учун имкон яратадиган шарт-шароитларни яратиш борасида қўриладиган чоралар англашилади. Табиатни муҳофаза қилиш органлари, шу жумладан атроф табиий муҳит муҳофазаси соҳасидаги ихтисослаштирилган инспекциялар ижтимоий муносабатларнинг маълум соҳасида қоидаларга риоя қилинишини таъминлашга йўналтирилган (масалан, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат инспекцияси – ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш борасидаги муносабатлар соҳасида уларнинг имкониятлари ходимларга берилган ваколатлар билан чекланади).

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, кўпинча вазият табиатни муҳофаза қилиш борасидаги тадбирларни самарали амалга ошириш учун табиатни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг ваколатлари чегарасидан чиқишни тақозо этади. Масалан, браконьер қўлга олинганида унинг шахсини аниқлаш зарурати пайдо бўлади, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш инспекциясининг ходимлари эса буни мустақил равишда амалга ошириш ҳуқуқига эга эмасдирлар. Шу сабабдан улар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ёрдамига муҳтож бўладилар.

Бундан ташқари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фавқулодда экологик вазиятларда, масалан, баъзи ҳудудлар радиоактив моддалар билан зарарланганида катта ёрдам кўрсатишлари мумкин. Жумладан, кемирувчи ҳайвонлар ҳаддан ташқари кўпайиб кетганида, эгасиз итлар, мушуклар, уй паррандалари ва бошқа ҳайвонлар пайдо бўлганида, ахлатхоналар ва

уларнинг атрофларига уйиб ташланган озиқ-овқат маҳсулотлари узоқ вақт олиб кетилмаганлиги сабабли, ачиб-бижғиб, турли касалликлар келтириб чиқариш хавфини туғдирганида турли эпидимияларга қарши тадбирлар ўтказилади; радиация, яъни нурланиш хавфи юқори бўлган ҳудудларда одамларнинг ва транспорт воситаларининг чекланган ҳаракатини таъминлаш учун ҳимоя ва назорат-рухсатнома режимини ўрнатади; нурланган предметлар ва бузилган озиқ-овқат маҳсулотларининг ифлосланган ҳудудлардан олиб чиқиб кетилишига йўл қўймайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг табиатни муҳофаза қилиш борасидаги фаолиятида бир қанча хусусиятлар кўзга ташланади. Булар қуйидагилардир:

биринчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари мустақил равишда табиат комплексларини, алоҳида табиат объектларини қўриқлаш функцияларини бажарадилар. Масалан, қўриқхоналар, заказниклар ва сув омборлари идоравий милиция бўлинмалари томонидан қўриқланади;

иккинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари махсус ваколатли органларга ёрдам кўрсатадилар. Масалан, ички ишлар органлари ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликни бузган шахсларни жаримага тортишга ҳақли бўлмасалар-да, ҳуқуқбузарни қўлга олиш, ноқонуний отилган ҳайвонларни ва ов қуролларини олиб қўйиш, материалларни эса ҳайвонот дунёсини ҳимоя қилиш бўйича давлат инспекциясига ошириш ҳуқуқига эгадирлар. Шу йўл билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳамда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ўртасида ҳамкорлик амалга оширилади. Бу эса қўшма тадбирлар режаларини тузиш имконини беради;

учинчидан, табиатни муҳофаза қилиш ишлари билан шуғулланадиган бошқа органлардан фарқли ўлароқ, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари табиатни бевосита (амалда) қўриқлашда фаол иштирок этадилар, чунки улар жиноятчиларни қўлга оладилар;

тўртинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фақат текшириш ва назорат қилиш функцияларини эмас, балки хўжалик-ташкилий ишларини ҳам бажарадилар.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўзларининг муҳофаза қилиш фаолиятларида қуйидаги усуллардан фойдаланадилар: бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш, рухсатнома бериш (масалан, қурол олиб юришга рухсатнома бериш), нотўғри (ёлғон) кўрсатув берганлик учун юклатиладиган жавобгарлик хусусида огоҳлантириш, ушлаб туриш (қамоққа олиш), маъмурий, жиноий жавобгарлик чораларини қўллаш ва бошқалар.

Давлатнинг экологик функциясини амалга оширишда прокуратура органлари ҳам муҳим ўринга эга¹. Прокуратуранинг экологик функцияси деганда, жамиятнинг экологик хавфсизлиги ва табиатдан фойдаланиш, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларидаги қонунлар ва қонуности ҳужжатларига риоя қилинишини назорат қилиш тушунилади. Ушбу ҳолат, албатта, прокуратуранинг табиатни муҳофаза қилиш борасидаги бутун фаолиятини тўлиқ акс эттира олмайди, чунки прокуратура фақат назорат қилиш билан чекланиб қолмай, ўз фаолиятини турли йўналишларда олиб боради. Прокуратуранинг табиатни муҳофаза қилиш борасидаги фаолияти деганда, прокуратуранинг экологик назоратни амалга оширишини, экологик ҳуқуқбузарликларнинг сабабларини аниқлашини, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича олиб борадиган фаолиятини тушунмоқ лозим.

Табиатни муҳофаза қилувчи прокуратуралар зиммасига уларга бириктириб қўйилган ҳудудларда табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан олий назоратни амалга ошириш вазифаси юклатилган. Шунингдек, бундай назорат муайян табиий объектларда, халқ хўжалигининг маълум соҳаларида, саноат ва бошқа хўжалик ҳудудларида

¹ Батафсил маълумот олиш учун Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги 2001 йил 29 август қонуни (янги таҳрир) // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2001. – № 9–10. – 168-м.

ҳам амалга оширилади. Бундан ташқари, прокуратура органлари кўрсатиб ўтилган қонунлар бузилишини ўз вақтида бартараф этиш, уларни аниқлаш ва олдини олиш, бузилган ҳуқуқларни тиклаш, зарарни қоплатиш ва айбдорларни қонунда белгиланган жавобгарликка тортиш бўйича ўз ваколатлари доирасида чоралар кўришлари лозим.

Зиммаларига юклатилган вазифаларга мос равишда табиатни муҳофаза қилувчи прокуратуралар қуйидаги йўналишларда фаолият кўрсатадилар: 1) юридик ва жисмоний шахсларнинг табиатни муҳофаза қилишга доир қонунларни бажаришларини назорат қилиш; 2) табиатни муҳофаза қилувчи прокуратуралар кўзғатган ёки табиатни муҳофаза этувчи прокурорлар ички ишлар органларига текшириш учун оширилган ишлар бўйича ички ишлар органлари амалга оширадиган суриштирувни ҳамда дастлабки тергов жараёнида қонунчиликка риоя этилишини назорат қилиш; 3) табиатни муҳофаза этувчи прокурорлар кўриб чиқиш учун судга оширган жиноят, фуқаролик ва хўжалик ишлари юзасидан судлар чиқарадиган ҳукмлар, қарорлар, ажримларнинг қонунийлиги ва асослилигини назорат қилиш.

Республика Бош прокурори 1993 йил 11 октябрда тасдиқлаган “Орол табиатини муҳофаза қилиш прокуратураси тўғрисида”ги Низомга мувофиқ Орол табиатни муҳофаза қилиш прокуратурасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: 1) саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа объектларни режалаштириш, қуриш ва ишга туширишда табиатни муҳофаза қилишга қаратилган қонун бузилишларини ўз вақтида аниқлаш, уларнинг олдини олиш, аҳоли соғлиғига зиён етказувчи, экология талабларига жавоб бермайдиган технология материалларини ҳамда моддаларини ишлатиш ва ишлаб чиқаришга татбиқ этишни бартараф этиш, Орол денгизини тиклаш билан шуғулланувчи ташкилот ва корхоналар фаолиятида қонунчиликка итоат этилишини мунтазам назорат қилиб бориш; 2) табиатни муҳофаза қилишга оид қонун ҳужжатларининг бир хилда бажарилишини, бу қонунларни бузганлик учун жазонинг муқаррарлигини таъминлаш мақсадида

назорат олиб бориш ва табиатни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорлик қилиш; 3) минтақада табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигини бузишга қарши курашда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти, ҳудудий ва бошқа прокуратуралар билан ҳамкорликда иш олиб бориш; 4) Оролбўйи минтақасида ижтимоий иқтисодий, санитария-эпидемиологик ва экологик аҳволни яхшилашга қаратилган муаммоларни ҳал этишга жалб этилган барча корхона, ташкилот, жамоа ва хўжаликлар фаолиятида қонунларга амал қилинишини назорат қилиб бориш; 5) атмосфера ҳавоси, ер ва ер ости, ҳайвонот дунёси, заказниклар, кўриқхоналар, ўрмон ва ўсимликлар дунёси, табиий ёдгорликлар тўғрисидаги, корхона, ташкилотларнинг саноат ва хўжалик чиқиндиларини зарарсизлантириш ёки йўқ қилиш тартибини белгиловчи қонунлар бажарилишининг назорат қилинишини таъминлаш ва бошқалар.

Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги прокурор назорати иккита элементдан ташкил топади: а) экологик қонун ва бошқа ҳуқуқий кўрсатмани қўллашни ҳамда орган (мансабдор шахс)нинг ҳаракатини қонунга мувофиқлик нуқтаи назаридан текшириш; б) назорат жараёнида ёки унинг натижалари бўйича миқдори қонунда жуда чеклаб қўйилган махсус чораларни қўллаш.

Қонуннинг қўлланиши экологик ҳуқуқбузарлик фактлари хусусида прокуратурага келиб тушган хабарлар асосида текширилади. Ҳуқуқбузарликларга оид маълумотлар жуда хилма-хил ахборот манбаларидан, яъни аризалар, шикоятлар, хатлар, табиатни муҳофаза қилувчи органларнинг турли ҳужжатлари, шунингдек атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслар қўмиталари бошлиқларининг маърузаларидан олинishi мумкин. Бундан ташқари, маълумотлар оммавий ахборот воситалари, яъни газета ва журналлардаги мақолаларда, телевидение ва радиоэшиттиришларда ҳам эълон қилиниши мумкин. Прокурорнинг шахсий кузатувлари ҳам экологик қонунчиликнинг бузилишига доир

маълумотларнинг манбаи бўла олади. Тўпланган маълумотлар асосида прокуратура органлари истиқболга мўлжалланган ҳамда чорак йиллик фаолият режаларини тузадилар. Уларда қандай масалалар бўйича қайси объектларда текширув ўтказилиши кўрсатилади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг экологик қонунлар ижросини таъминлашдаги роли ва вазифаларини такомиллаштириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарур:

биринчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг барча вазирлик ва давлат қўмиталари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа идоралар билан экологик қонунлар ижросини таъминлашдаги ҳамкорлигини тўғри йўлга қўйиш;

иккинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг жамоат ташкилотлари, маҳалла қўмиталари, фуқаролар йиғини, тадбиркорлар, маҳалла посбонлари, хусусий корхона ва хорижий фирмалар билан экологик қонунларнинг ижросини таъминлашдаги ҳамкорлигини янада кучайтириш ҳамда кенгайтириш;

учинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг экологик қонунлар ижросини таъминлашдаги роли ва вазифаларининг самарадорлигини ошириш мақсадида, ушбу тизимидаги ҳар бир хизмат соҳасининг ўз фаолияти бўйича низом ва йўриқномаларида ўша соҳа ходимларининг экология борасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ қилиб белгилаб қўйиш.

Махсус ваколатли давлат органларининг экологик функциясини ривожлантириш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органларининг фаолиятини ҳам такомиллаштириш зарурати сезилмоқда. Чунки табиатни муҳофаза қилиш соҳасида суд, прокуратура, ички ишлар органлари амалиёти бугунги кун талаби даражасидан анча орқада қолиб кетмоқда. Ҳозир амалдаги қонунларимизда белгиланган атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш талабларини бузганлик учун қўлланиладиган юридик

жавобгарликнинг самарадорлиги жуда паст даражада, ҳатто суд амалиётида экологик ҳуқуқбузарликлар учун зарар миқдорини аниқлаш тажрибаси ҳам деярли йўқ. Амалиётдаги ушбу камчиликларни қуйидаги ҳолатлар билан изоҳлаш мумкин: биринчидан, қонунда экологик зарарга тўғри баҳо берилмаган; иккинчидан, зарар миқдорини аниқ ҳисоблаш қийин; учинчидан, табиий объектларнинг қиймати белгиланмаган; тўртинчидан эса экологик зарарни ҳисоблаб чиқишнинг ягона тизими ишлаб чиқилмаган. Шу каби сабабларга кўра суд органлари ўз функциясини тўлиқ бажармаяптилар. Бу эса атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишга жиддий путур етказмоқда, табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг янада кўпайишига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун ҳам экологияга оид ҳуқуқбузарликлар учун судлар фаолиятини ривожлантириш, суд амалиётини такомиллаштириш ҳозирги даврнинг асосий вазифаларидан биридир.

Прокуратура органларининг фаолиятини таҳлил этиш шундан далолат берадики, табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигининг қўлланишини назорат қилишга муҳим бўлмаган вазифа сифатида қаралмоқда. Ҳайвонот дунёси тўғрисидаги қонунчилик, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги, атроф муҳитни саноат чиқиндилари билан ифлослантириш, ер ости бойликлари, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, сув ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонунларнинг бажарилишини назорат қилиш прокурорлар назаридан четда қолмоқда. Экологик жиноятлар учун жиноий жавобгарликка тортиш масаласини кўтариш ҳолатлари амалиётда деярли учрамаяпти. Шу сабабдан мамлакатимизда экология прокуратураларининг сонини кўпайтиришга эҳтиёж сезилмоқда. Фикримизча, республикаимизда туманлараро экология прокуратуралари, ички ишлар органларида ҳам экология бўлимларини ташкил этиш ижобий натижалар беради ва атроф табиий муҳитни ҳуқуқий муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал қилиш самарадорлигини янада оширади.

Юқоридагилар асосида, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг табиий объект ва ресурсларни ҳуқуққа хилоф тажовузлар ва хатти-ҳаракатлардан ҳимоя қилиш фаолияти давлатнинг экологик функциясини амалга ошириш воситаларидан биридир. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг табиатни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ фаолиятидаги ҳуқуқий чора-тадбирлар бир-бирига боғлиқ табиий-ҳуқуқий муносабатлар тизимининг таркибий қисмларидир, деган хулосага келишимиз мумкин.

Хуллас, давлатнинг экологик функциясини амалга ошириш ва мустаҳкамлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, яъни адлия, ички ишлар, прокуратура ва суд ҳокимияти органларининг аҳамияти катта бўлиб, уларнинг мазкур соҳада олиб борадиган ишлари атроф табиий муҳит ҳамда экологик муаммоларни ҳал этишга ёрдам беради. Бу эса, ўз навбатида, давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар орқали амалга оширадиган экологик функциясини мустаҳкамлашга ижобий таъсир кўрсатади.

ХУЛОСА

Тадқиқот натижасида қўйилган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, илмий-назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган қуйидаги хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди:

1. Илмий-назарий таклифлар:

1. Бошқарув шакллари иккига ажратилди: **1) ҳуқуқий шакллар** – уларга ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти киради; **2) ноҳуқуқий шакллар** – оператив-хўжалик тақсимоти ва ижрочини ўзига юклатилган функцияларни самарали амалга ошириши учун зарур бўлган материаллар, техник, молиявий ҳамда бошқа маблағ ва воситалар билан таъминлаш кабилар киради.

2. Табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви функцияларига қуйидагиларни киритишимиз мумкин: **тартибга солиш** – норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни чиқариш, экологик нормативларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш; **мувофиқлаштириш** – ўзаро буйсунувда бўлмаган бир неча давлат органининг табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги маълум вазифаларни ҳал этиш учун келишуви; **прогноз қилиш ва режалаштириш** – режа, прогноз, концепция ва дастурлар ишлаб чиқиш; **рухсат бериш** – табиий ресурслардан фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини амалга ошириш, камёб ва йўқолиб бораётган ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектлари муомаласини амалга ошириш учун рухсатнома (лицензия) бериш; **ахборот** – экологик мониторинг юритиш, ифлосланиш манбаларини инвентаризация қилиш ва паспортлаш, табиий ресурслар кадастр ҳисобини олиб бориш орқали атроф табиий муҳит ҳолати ва экологик хавфли фаолият тўғрисида маълумот йиғиш; **назорат** – хўжалик юритувчи субъектлар, фуқаролар ва давлат ташкилотларининг экологик қонунчиликка, экологик экспертиза талабларига риоя этиши юзасидан текширувлар ўтказиш; **табиий-қўриқхона** – муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ташкил этиш ва бошқариш, Ўзбекистон

Республикаси Қизил китобини юритиш; **халқаро ҳамкорлик** – атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида халқаро тажрибани ўрганиш, умумлаштириш ва кенг қўллаш, Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажарилишини таъминлаш.

3. Табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви усуллари турлари эса, қуйидагилардан иборат: 1) **таъқиқлаш** – муайян ҳаракатлардан тийилиш мажбуриятини юклаш; 2) **мажбурлаш** – муайян ҳаракатларни бажаришни юридик мажбурият сифатида юклаш; 3) **тавсия этиш** – мажбурий тусга эга бўлмаган кўрсатмалар; 4) **санкциялаш** – фаолиятнинг муайян турларига рухсат (лицензия) бериш; 5) **розилик бериш** – у ёки бу объектларни жойлаштириш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш учун ваколатли органларнинг розилигини олиш; 6) **маъмурий** – ҳокимият ва буйсунув муносабатларига асосланган; 7) **иқтисодий** – табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш фаолиятини иқтисодий рағбатлантиришга асосланган.

2. Экологик қонунчиликни такомиллаштириш бўйича тавсиялар:

4. “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатларини белгилаб бериш мақсадга мувофиқ. Бундай мажбуриятларни белгилаш ЎзР Президентининг экологик фаолияти даражасини оширишга имкон беради.

5. “Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисида Низом”нинг биринчи бандини қуйидагича таҳрирда баён этишни таклиф этамиз: “Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида тармоқлараро давлат бошқарувини ҳамда назоратини амалга оширувчи, давлат органларини атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий

ресурслардан фойдаланишни бошқаришга доир фаолиятларини мувофиқлаштирувчи ва улардан устун турувчи махсус ваколатли органдир”.

6. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини такомиллаштириш мақсадида ҳудудларни барқарор ривожлантириш учун ҳудудларнинг узок муддатли “Экологик хавфсизлик концепцияси”ни ишлаб чиқиш ва амалга татбиқ этиш лозим. Шунингдек, вилоятлараро ва туманлараро биргаликда фойдаланиладиган табиий ресурслардан унумли фойдаланиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш зарур.

7. Амалдаги қонунларимизда белгиланган атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш талабларини бузганлик учун қўлланиладиган юридик жавобгарликнинг самарадорлигини ошириш учун: биринчидан, экологик зарарни баҳолашнинг ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш; иккинчидан, зарар миқдорини аниқ ҳисоблаш тартибини белгилаш зарур.

8. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг экологик қонунлар ижросини таъминлашдаги роли ва вазифаларини такомиллаштириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарур: биринчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг барча вазирлик ва давлат қўмиталари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа идоралар билан экологик қонунлар ижросини таъминлашдаги ҳамкорлигини тўғри йўлга қўйиш; иккинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг жамоат ташкилотлари, маҳалла қўмиталари, фуқаролар йиғини, тадбиркорлар, маҳалла посбонлари, хусусий корхона ва хорижий фирмалар билан экологик қонунларнинг ижросини таъминлашдаги ҳамкорлигини янада кучайтириш ҳамда кенгайтириш; учинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг экологик қонунлар ижросини таъминлашдаги роли ва вазифаларининг самарадорлигини ошириш мақсадида, ушбу тизимидаги ҳар бир хизмат соҳасининг ўз фаолияти бўйича низом ва йўриқномаларида ўша соҳа

ходимларининг экология борасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ қилиб белгилаб қўйиш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

I. РАҲБАРИЙ АДАБИЁТЛАР:

- 1.1. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
- 1.2. Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 380 б.
- 1.3. Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 366 б.
- 1.4. Каримов И. А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 349 б.
- 1.5. Каримов И. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 384 б.
- 1.6. Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – 429 б.
- 1.7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. Т.7. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – 410 б.
- 1.8. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 528 б.
- 1.9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – 432 б.
- 1.10. Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – 432 б.
- 1.11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003. – 320 б.
- 1.12. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлик ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12. – Тошкент: Ўзбекистон, 2004. – 400 б.
- 1.13. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – 448 б.

1.14. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т.14. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006. – 280 б.

1.15. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – 320 б.

1.16. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – 368 б.

1.17. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиздир. Т.17. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – 280 б.

1.18. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.

1.19. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

1.20. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.

II. НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР:

2.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – 40 б.

2.2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. – Тошкент: Адолат, 2007. – 520 б.

2.3. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. – 1998. – №5-6. – 82-модда.

2.4. Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни, // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. – Тошкент: 1999. – №1-20 модда.

2.5. Ўзбекистон Республикасининг “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. – Тошкент: 1998. – №1. – 12-модда.

2.6. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. – Тошкент: 1998. – №1. – 14-модда.

2.7. Ўзбекистон Республикасининг “Ўрмон тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. – Тошкент: 1999. – №5. 122 - модда.

2.8. Ўзбекистон Республикасининг “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. – Тошкент: 1997. – №2. – 30-модда.

2.9. Ўзбекистон Республикасининг “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. – Тошкент: 2003. – №1.

2.10. Ўзбекистон Республикасининг “Экологик экспертиза тўғрисида”ги қонуни, // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. – Тошкент: 2000. – №5-6. – 26-модда.

2.11. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги 2001 йил 29 август қонуни (янги таҳрир) // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2001. – № 9–10. – 168-м.

III. МАХСУС АДАБИЁТЛАР:

- 3.1. Алехин А.П., Кармолицкий А.А., Козлов Ю.М. Административное право России: Учебник. – М., 1997. – С. 451-465.
- 3.2. Алихонов Б.Б. Экологик барқарорлик // Ҳуқуқ ва бурч. – Тошкент, 2010. – 36. – Б. 11-14.
- 3.3. Анисимов А.П. Экологическое право России: Учебник. – М.: Юрайт, 2010. – С. 120-121.
- 3.4. Арбитражный процесс. Учебник / Отв. ред. проф. В.В. Ярков – М.: БЕК, 2001. – С. 32.
- 3.5. Атаев М. А. Государственное управление использования и охраны вод. – Ашхабад, 1982.
- 3.6. Атаманчук Г.В. Государственное управление. Организационно-функциональные вопросы: Учебное пособие. - М.: Экономика, 2000. - 302 с.
- 3.7. Атаманчук Г.В. Сущность советского государственного управления. – М., 1980. – С. 57.
- 3.8. Атаманчук Г.В. Теория государственного управления: Курс лекций. - М.: Юридическая литература, 1997. - 400 с.
- 3.9. Аюбов У. Т. Лишение, ограничение и приостановление прав, связанных с природопользованием // Экологический вестник Узбекистана. – 1996. – № 3. – С. 26–28.
- 3.10. Базаров У.Б. Эколого-правовое обеспечение охраны биосферы // Экономика и статистика. – Ташкент, 1996. – №5.
- 3.11. Байдельдинов Д.Л. Правовой механизм государственного управления в экологии. – Алматы: Казак университети, 1998. - 98 с.
- 3.12. Балашенко С.А. Государственное управление в области охраны окружающей среды / Под ред. А.А. Головки. - Минск: БГУ, 2000. - 341 с.
- 3.13. Балашенко С.А. Государственное управление в области охраны окружающей среды // Государство и право. – 2001. – №7. – С. 106-137.
- 3.14. Боголепов Р.Д. Деятельность органов внутренних дел по охране

окружающей среды // Охрана окружающей среды: управление и право. – Киев, 1982. – С. 87–89.

3.15. Боголюбов С.А. Экологическое право. – М.: Норма-Инфра, 1998. – С. 158-159.

3.16. Бозоров У.Б. Табиий ресурсларга нисбатан мулк ҳуқуқи тушунчаси ва хусусиятлари // Экология ҳуқуқи. Дарслик. – Тошкент: Адабиёт жамғармаси, 2001.

3.17. Большая юридическая энциклопедия. – М.: Эксмо, 2008. – С. 136.

3.18. Бринчук М.М. Экологическое право (право окружающей среды). – М., 1998. – С. 269-270.

3.19. Бринчук М.М. Экологическое право: Учебник. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Юристъ, 2004. – С. 174-175.

3.20. Бринчук М.М., Саморукова О.И. Производственный экологический контроль как мера охраны природы // Экологическое право. – Москва, 2007. – № 3. – С. 13-14.

3.21. Бринчук М.М. О понятийном аппарате экологического права // Гос. и право. – 1998. – № 9. – С. 20–28.

3.22. Василенко И.А. Административно-государственное управление в странах Запада. США, Великобритания, Франция, Германия: Учебное пособие. – М.: Логос, 2001. – 200 с.

3.23. Гаилов Ф. Х. Теоретические проблемы организации правовой охраны природных ресурсов в современных условиях. – Уфа, 2002.

3.24. Глазунова Н.И. Система государственного управления: Учебник. – М.: Юнити-Дана, 2003. – 551 с.

3.25. Голиченков А. К. Экологический контроль: теория, практика правового регулирования. – М., 1992. – С. 73.

3.26. Головистикова А.Н., Грудцына Л.Ю., Малышев В.А. Экологическое право России в таблицах и схемах. – М.: Эксмо, 2006. – С. 58.

3.27. Горельцев С. В. Государственное управление в сфере экологии // Экологическое право. – М., 1997. – С. 180–186.

3.28. Государственное и муниципальное управление: Справочник / Под ред. Н.И. Глазуновой, Ю.М. Забродина, А.Г. Поршнева. – М.: Магистр, 1997. – 496 с.

3.29. Государственное управление в России: Учебник / Под ред. А.Н. Марковой. – М.: Юнити-Дана, 2002. – 333 с.

3.30. Государственное управление. Основы теории и организации: Учебник. Том 1 / Под ред. В.А. Козбаненко. – М.: Статут, 2002. – 366 с.

3.31. Государственное управление. Основы теории и организации: Учебник. Том 2 / Под ред. В.А. Козбаненко. – М.: Статут, 2002. – 592 с.

3.32. Государственно-правовое управление качеством окружающей среды. Коллектив авторов (М.Р.Аракелян, И.Л.Белый, Л.Д.Долгополова, Н.И.Долматова, М.А.Миндзаев, П.П.Музыченко, Е.А.Плотникова, А.В.Сурилов). – Киев-Одесса: Вища школа, 1983. – С. 43.

3.33. Дмитренко А.В. Экологическое право. Учебник. – М.: Дашков и К, 2010. – С. 142-143.

3.34. Добрынин Н.М. Теория и практика государственного управления. – Новороссийск, 2006. – С. 19.

3.35. Дубовик О.Л. Экологическое право. Учебник. 3-е изд. – М.: Проспект, 2010. – С. 244-256.

3.36. Дубовик О.Л. Экологическое право: Учебник. – М., 2004. – С. 131-132.

3.37. Духно Н.А., Чубуков Г.В. Экологическое право России: Учебник. – М., 2000. – С. 42.

3.38. Ерофеев Б.В. Экологическое право России. Учебник. – М.: Юристъ, 1996. – С. 258.

3.39. Ерофеев Б.В. Экологическое право России. Учебник. 20-е издание. – М.: Эксмо, 2007. – С.129-130.

3.40. Жўраев Й. О. Атроф табиий муҳит муҳофазаси ҳукукий ва бошқарув асосларини ислоҳ қилиш тўғрисида // Экология қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари. – Тошкент, 2004. – Б. 19-22.

3.41. Зеркин Д.П., Игнатов В.Г. Основы теории государственного управления: Курс лекций. - Ростов-на-Дону: МарТ, 2000. - 448 с.

3.42. Зиёмухамедов Б. Экология: тарих, назария ва ҳозирги замон. – Тошкент, 1997.

3.43. Кадомцева А.Е. Экологическая функция современного Российского государства. – Саратов, 2001. – С. 34.

3.44. Калонов Б.Ҳ. Экологик хавфсизликни таъминлаш – миллий, минтақавий ва умуминсоний муаммо // ТДЮИ Ахборотномаси. – 2009. – №5. – Б. 90-91.

3.45. Каримова О., Гаффоров З. Давлат ва ҳуқуқ асослари. Дарслик. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – Б. 208.

3.46. Колбасов О. С. Экология: политика–право. – М., 1976.

3.47. Крассов О.И. Экологическое право: Учебник. – М.: Дело, 2001. – С. 151-152.

3.48. Круглый стол: реформирование системы государственного управления в сфере охраны окружающей среды. 28 июня 2010 года. – М., 2010. – С. 31.

3.49. Марьин Е.В. Экологическое право России. – М., 2008. – С. 127-128.

3.50. Матвеев А.В. Управление охраной окружающей среды: Учебное пособие. – СПб.: ГУАП, 2003. – 112 с.

3.51. Меркулов В.В. Законодательные основы природоохранительной деятельности органов МВД СССР–Рязань, 1983. – С. 17.

3.52. Методы и формы государственного управления. – М.: Юрид. лит., 1977. – С. 13.

3.53. Муллагалеева З.З. Система государственного управления:

Учебное пособие. - Новокузнецк: НФИ КемГУ, 2003. - 94 с.

3.54. Муниципальный менеджмент: Учебное пособие для вузов /Под ред. Т.Г. Морозовой. – М. 1997. – С. 25.

3.55. Мухамедов Ў. Х. Экологик қонунчиликни кодекслаштириш муаммолари // Экология қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари. – Тошкент, 2004. – Б. 62–65.

3.56. Мухитдинов Н.Б. Основы горного права. – Алма-Ата, 1983. – С. 162.

3.57. Мухитдинов Н.Б., Тукеев А.Ж. Право собственности на воды Республики Казахстан в период перехода к рынку. – Алматы, 1995. – С. 107.

3.58. Нажимов М. Давлат ва унинг экологик функцияси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. – Б. 35.

3.59. Нажимов М. Экологик назорат // Ҳаёт ва қонун. – Тошкент, 2003. – №2. – Б.69.

3.60. Нажимов М.К. Давлатнинг экологик функцияси. – Тошкент: ТДЮИ, 2002. – Б. 11.

3.61. Нигматов А.Н. Ўзбекистон Республикасининг экология ҳуқуқи. Дарслик.–Тошкент: ТДЮИ, 2004.– Б. 78.

3.62. Нигматов А.Н. Экологик концепциялар // Ўзбекистон экологик хабарномаси. – 2000. – № 4–5. – Б. 10–12.

3.63. Николаев А. В. Основы экологического права и проблемы экологии. – СПб., 2001.

3.64. Нуридуллаев А. Экологик экспертиза тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун маъмурий жавобгарликни такомиллаштириш масалалари // ТДЮИ Ахборотномаси. – Тошкент, 2010. – №2.

3.65. Нуридуллаев А. Экологик экспертизанинг ҳуқуқий тавсифи ва юридик табиати // ТДЮИ Ахборотномаси. – Тошкент, 2009. – №1.

3.66. Петров В.В. Экологическое право России. Учебник для вузов. – М.: БЕК, 1995. – С. 96.

3.67. Пикулькин А.В. Система государственного управления: Учебник. - М.: Юнити-Дана, 2004. - 543 с.

3.68. Правовое регулирование природоохранной деятельности / Под ред. А.Я.Сухарева, В.Д.Ермакова. – М., 1998. – С. 51.

3.69. Примаченок А.А. Деятельность органов внутренних дел Белоруссии по предупреждению и пресечению преступлений против социалистического порядка природопользования (уголовно-правовые вопросы). – Минск, 1983. – С. 13.

3.70. Пронкин С.В., Петрунина О.Е. Государственное управление зарубежных стран: Учебное пособие. - М.: Аспект-Пресс, 2001. - 416 с.

3.71. Раҳманов К. Табиат муҳофазасининг ҳуқуқий асослари // Ҳаёт ва қонун. – 2000. – № 10. – Б. 61–65.

3.72. Раҳмонкулов Ҳ.Р. ва бош. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи. – Тошкент: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2000. – Б.30.

3.73. Реймерс Н.Ф. Надежды на выживание человечества. – М., 1992.

3.74. Рой О.М. Система государственного и муниципального управления: Учебное пособие. - СПб.: Питер, 2003. - 301 с.

3.75. Сафаров Ж.И. Кодификация – экологик қонунчиликни такомиллаштириш истикболи сифатида // ТДЮИ Ахборотномаси. – Тошкент, 2009. – №5. – Б.100-101.

3.76. Сафаров Ж.И. Экологик қонунчиликни кодификациялаш зарурияти // Ҳуқуқ ва бурч. – Тошкент, 2010. – №6. – Б. 52-53.

3.77. Словарь иностранных слов и выражений / Авт.- сост. Н.В.Трус, Т.Г.Шубина. – М.: Литература, 1997. – С.71.

3.78. Социально-правовые механизмы природопользования: Аналитический обзор / Ю.Г.Марков, В.Н.Турченко, Е.А.Чиркин, С.А.Юрков. – Новосибирск, 1995. – С. 14-15.

3.79. Старцев Я.Ю. Система государственного управления. Политический анализ: Учебное пособие. - Екатеринбург: УрАГС, 2001. -

288 с.

3.80. Тўраев Ш.Р. Экологик сиёсат: унинг шаклланишида халқаро-хукукий тамойилларнинг аҳамияти. Ҳаёт ва қонун. –2002. –№5. -Б 76.

3.81. Умарахунов И.М. Республика Узбекистан и международное договорное право. – Тошкент, 1998.

3.82. Усманов М.Б. Ер ва қонун. – Тошкент, 1994.

3.83. Усманов М.Б. Экология қонунчилиги муаммолари // Ҳаёт ва қонун. – 2002. – № 2. – Б. 53–54.

3.84. Уткин Э.А., Денисов А.Ф. Государственное и региональное управление. - М.: Экмос, 2002. - 320 с.

3.85. Ўзбек тилининг изохли луғати / А.Мадвалиев таҳрири остида. Биринчи жилд. 5 жилдли. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” ДИН, 2006. – Б. 345.

3.86. Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Нашр учун маъсул Р.А.Муҳитдинов ва бошқ.; маъсул муҳаррир: Н.Тойчиев. – Тошкент: Адолат, 2010. – Б. 101.

3.87. Файзиев Ш.Х. Демократик сайловлар ўтказишнинг конституциявий асослари // ТДЮИ Ахборотномаси. – Тошкент, 2009. – №8. – Б. 122.

3.88. Файзиев Ш.Х. Рациональное использование природных ресурсов в социально-экономическом развитии Узбекистана // Хозяйство и право. – Ташкент, 2003. – №7. – С-87-90.

3.89. Файзиев Ш.Х. Теоретические проблемы правового обеспечения экологической политики Республики Узбекистан. Монография / Под ред. М.Х.Рустамбаева, М.Б.Усманова. – Ташкент: ТГЮИ, 2004. – С. 45.

3.90. Файзиев Ш.Х. Ўзбекистон Республикаси парламентининг экологик функциясини такомиллаштириш масалалари // Ўзбекистон парламенти: бугуни ва истиқболи: Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари (2002 йил 3 март). – Тошкент, 2002 – Б. 60.

3.91. Файзиев Ш. Х. Экологическое законодательство Республики Узбекистан: Система и классификация, концептуальные аспекты реформирования // Экология қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари. – Тошкент, 2004. – Б. 22–36.

3.92. Филимонов В.Д. Принципы уголовного права – М.: АО “Центр ЮрИнфоР”, М.:ЮрИнфоР, 2002. – С. 12.

3.93. Хабибуллаев А. Атроф табиий муҳит муҳофазасининг асосий йўналишлари // Ўзбекистон экологик хабарномаси. – 1998. – № 5–6. – Б. 2-4.

3.94. Хамроев С.С. Ер ости бойликларидан фойдаланишда концессуал шартномалар. – Тошкент, 2004. – Б.239.

3.95. Холмуминов Ж.Т. Экологик-правовые проблемы использования и охраны орошаемых земель в Республики Узбекистан. – Ташкент, 1996. – С. 37-67.

3.96. Холмуминов Ж.Т. Экология ва қонун. – Тошкент, 2000. – 352 б.

3.97. Холмўминов Ж. Атроф табиий муҳит ва маданий мерос объектларини муҳофаза қилишнинг конституциявий асослари // “Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – жамият фаровонлиги ва тараққиётининг ҳуқуқий кафолати” мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент: ТДЮИ, 2009.– Б.46-47.

3.98. Холмўминов Ж.Т. Государственное управление в области охраны окружающей среды (понятие, принципы и функции) // Ҳуқуқ. Право. Law. – Тошкент, 2004. – №3. – С.42-44.

3.99. Холмўминов Ж.Т. Табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг экологик-ҳуқуқий муаммолари. Монография. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2009. – Б.30.

3.100.Холмўминов Ж.Т. Ўзбекистон Республикасининг экология ҳуқуқи. Дарслик / Маъсул муҳаррир: проф. У.Таджихонов. – Тошкент: ТДЮИ, 2003. – Б. 26-27.

3.101.Холмўминов Ж.Т., Файзиев М.М., Безбородов Ю.Г.

Экологическая функция государства // Научный мир Казахстана. – Алматы, 2006. – №2. – С. 90-98.

3.102.Холмўминов Ж.Т. Экология ва қонун. – Тошкент, 2000.

3.103.Ҳошимова Э. Инсон ва табиат муаммоси // Ўзбекистон экологик хабарномаси. – 2000. – № 6. – Б. 5–6.

3.104.Чиркин В.Е. Публичное управление: Учебник. - М.: Юристъ, 2004. - 475 с.

3.105.Шамхалов Ф.И. Основы теории государственного управления: Учебник. - М.: Экономика, 2003. - 518 с.

3.106.Экологическое право России: Учебник / Под ред. В.Д.Ермакова, А.Я.Сухарева. – М., 1997. – С.180.

3.107.Экология. Юридический энциклопедический словарь. – М.: Норма, 2001. – С. 387-388.

3.108.Ekologiya huquqi: Darslik. Mas'ul musharrir: prof. M.B.Usmonov. – Toshkent: TDYI, 2006. – B. 60.

3.109.Интернет саҳифаси: www.uznature.uz./index.php?id=about&lang=ru

IV. ДИССЕРТАЦИЯ ВА АВТОРЕФЕРАТЛАР:

4.1. Аюбов У.Т. Лишение, ограничение и приостановление права природопользования: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Ташкент: ТГЮИ, 1999. – 22 с.

4.2. Власов В.А. Государственное управление в сфере охраны окружающей среды и природопользования: вопросы теории и практики: вопросы теории и практики: Дисс. ... канд. юрид. наук. – Екатеринбург, 2007. – 223 с.

4.3. Жураев Й.О. Право и управление в области использования и охраны природной среды Республики Узбекистан: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – М.: Инс. гос. и право РАН, 1996. – 50 с.

4.4. Исабоев А. Ердан фойдаланиш устидан давлат бошқарувини такомиллаштириш муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дисс. – Тошкент: ТДЮИ, 2004. – Б. 16.

4.5. Исанов Х.Р. Давлат экологик мониторингини ҳукукий таъминлаш муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент: ТДЮИ, 2007. – Б. 12-13.

4.6. Калонов Б.Х. Ўзбекистон Республикасида давлат экология назоратининг ҳукукий муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2004.

4.7. Круглов В.В. Организационно-правовые проблемы охраны окружающей среды в промышленности в современный период: Автореф. дисс. ... докт. юрид. наук. – Екатеринбург, 1999. – С. 22.

4.8. Лагунова А.И. Государственное управление охраной окружающей природной среды субъекта Российской Федерации: Дисс. ... канд. юрид. наук. – Красноярск, 2001. – 231 с.

4.9. Маллаев Н. Р. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишни ҳукукий тартибга солиш муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2003. – Б. 13.

4.10. Мамараимов И.М. Экология қонунчилигини бузганлик учун фуқаролик ҳукукий жавобгарликни такомиллаштириш муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2004.

4.11. Нажимов М.К. Давлатнинг экологик функцияси: Юрид. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент: ТДЮИ, 2004. – 27 б.

4.12. Насирова Л.М. Правовые основы охраны окружающей природной среды городов: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Алма-Ата, 1995.

4.13. Ноимов Ш.Б. Ўзбекистон Республикасида Ички ишлар органларининг экологик қонунлар ижросини таъминлашдаги роли ва вазифалари: Юрид. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2007. – Б.53-54.

4.14. Нурматов М.М. Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш иқтисодий механизмини ҳуқуқий таъминлаш масалалари: Юрид. фан. номз. ... дисс. – Тошкент: ТДЮИ, 2008. – Б. 168-175.

4.15. Раҳмонов А. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми: Юрид. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент: ТДЮИ, 2009.

4.16. Файзиев Ш.Х. Теоретические проблемы правового обеспечения экологической политики Республики Узбекистан: Дис....докт. юрид. наук. – Ташкент: ТГЮИ, 2004. – 348 с.

4.17. Файзуллаева Г.Г. Юридическая ответственность за нарушение права сельскохозяйственного землепользования: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Ташкент, 2001.

4.18. Холмўминов Ж.Т. Эколого-правовые проблемы рационального использования и охрана орошаемых земель в Республике Узбекистан: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – Алматы: 1997. – С. 45.

4.19. Ҳамроев С.С. Ер ости бойликларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилишни ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари. – Тошкент: ТДЮИ. 2003. – Б. 26.

4.20. Ҳашимхонов А. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳуқуқ ижодкорлик фаолияти: назария ва амалиёт масалалари: Юрид. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент: ТДЮИ, 2008.

4.21. Шемшученко Ю.С. Государственное управление охраной окружающей среды: Автореф. дисс. ... д-ра юрид. наук. – Киев, 1978.

4.22. Юсупов У.Ж. Право сельскохозяйственного водопользования в Кыргызской Республике: Дисс. ... канд. юрид. наук. – Жалалабат, 2008. – С. 68.